

МУСТАҚИЛЛИК

ХУҚУҚ

ДЕМАКДИР

YURIDIK GAZETA



СОҒЛОМ АВЛОД ЮРТ ТАЯНЧИДИР

Эртанги кун эгалари - бугунги ёшларни соғлом ва маънавий етух инсонлар қилиб тарбиялаш катталар учун фарз ва қарз. Бироқ бу борада амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар мута- саддилар томонидан қандай бажарилмоқда?

Яқинда Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия йиғилишида ана шу саволга атрофлича жавоб изланди. Йиғилишда вилоят прокурори, адлия катта маслаҳат- чиси Дилшод Исроиллов «Хоразм вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия фаолиятини ташкил этиш ва унинг 2000 йил декабрь ва 2001 йилга мўлжалланган дастури» мавзусида маъруза қилар экан, кўпроқ танқидий мулоҳазаларни ўртага ташлади.

Вилоятда 1 миллион 300 мингдан ошiq аҳоли истиқомат қилиб, шундан 609,3 минг нафарини 18 ёшгача бўлган вояга етма- ганлар ташкил қилади. Уларнинг соғлом бўлиб тарбияланишлари учун, аввало, оналар соғлом бўлиши керак. Афсуски, жорий йилда тиббий кўриқдан ўтган ҳоми- ладор аёлларнинг 89,1 фоизда ҳар хил касалликлар аниқланган. Бу эса ўз навба- рда туғилган болалар соғлиғига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. 1999 йил мо- байнида туғма нуқсон билан 70 нафар бола туғилган бўлса, жорий йилнинг 9 ойида бу кўрсаткич 69 нафарни ташкил қилган. Болалар ўртасидаги касалликлар кўрсаткичлари ҳам юқориликча қолмоқ- да. Жумладан, тиббий кўриқдан ўтказил- ган ўсмирларнинг 42,8 фоизда ҳар хил касалликлар аниқланиб, тиббий назорат- га олинган. Бу касалликларни даволаш учун вилоятдаги болалар касалхоналари- да етарли шароит яратилмаган ва дори- дармонлар билан тўлқинланган.

Фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб вояга етишида мактабга- та тарбия муассасаларининг, мактаблар ва бошқа даргоҳларнинг ўрни катта. Бироқ болаларни мактабга таёйёрлаш ишлари ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Вилоятда 6 ёшгача бўлган болаларнинг атиги 15 фоизи боғчаларга жалб қилинган. Фаоли- ят кўрсатаётган боғчаларда ҳам ишлар талаб даражасида ташкил қилинмаган, жойларда кадрларни танлаш ва тарбия- лаш ишлари сўсайтириб юборилганлиги, моддий жавобгар шахслар масъулиятини ошириш чоралари қўрилмасдан ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги оқибатида ҳар хил суиистеъмолчиликларга йўл қўйилган. Жумладан, Урганч шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 37-мактаб боғчасида ҳўжалик ишлари мудири лавозимида иш- лаган Даврон Рўзметов икки йиллик фао- лияти давомида 4 млн. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва ҳўжалик молларини со- ритиб, пулини ўз эътиёжига ишлатиб юбо- рган. Унинг ҳаммаси, 9-болалар боғчаси- да ҳўжалик ишлари мудири Умид Рўзме- тов эса бир йилда 7 миллион сўмлик озиқ- овқат маҳсулотларини пуллашга улгур- ган.

Умумтаълим мактабларининг 296 таси марказлашган ичимлик суви ва 48 таси табиий газ билан таъминланмаган. Ай- ниқса, 142 та мактабда спорт заллари, 16 тасида спорт майдончалари йўқлиги ачи- рилди. Бундан ташқари, мактабларда ўқувчилар дарсликлар билан тўлиқ таъ- минланмаган. Ўқувчи ёшларнинг ўқишдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун ташкил қилинган тўғарақлар ва спорт секцияларининг фаолиятлари қониқарсиз аҳволда.

Вояга етмаганлар томонидан содир

этилган жиноятлар жорий йилнинг 10 ой- ида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ошган. Жиноят содир қилишда иштирок этган ўсмирларнинг аксариятини ҳеч қан- да ўқимасдан, ишласмасдан юрган ёшлар ташкил қилади. Бундай ёшларнинг акса- рияти ўрта мактабни тамомлаб ишсиз юрган 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмир- лар бўлиб, тегишли мутасадди идоралар томонидан ёшларнинг бандлигини таъ- минлаш борасида олиб борилаётган иш- ларнинг қониқарсизлиги туфайли улар то- монидан жиноят содир қилиш кўрсаткичи юқориликча қолмоқда.

Жойларда ҳокимликлар таркибидаги вояга етмаганлар ишлари билан шўғул- лануви комиссия, ички ишлар, халқ таъли- ми бўлими, «Камолот», «Маҳалла» жа- мғармалари ва ўзини ўзи бошқариш идо- ралари ўз вазифаларини изоки ва расми- ятчилик учунгина бажаришлари, ўсмир- лар ўртасида ҳўқуқий, тарбиявий ишлар- нинг сўсайтириб юборилганлиги, улар- нинг бандлигини таъминлаш ва бошқа муаммолар ўз ҳолига ташлаб қўйилганли- ги оқибатида жиноятчилик ошиб бормоқ- да.

Мажлисда вилоят прокурори кўрсатиб ўтган масалалар юзасидан халқ таълими бошқармаси бошлиғи И.Бобожонов, Тур- лан туман ҳокими ўринбосари М.Кари- мов, соғлиқни сақлаш бошқармаси бош- лиғи С.Ўй, ички ишлар бошқармаси бош- лиғи ўринбосари О.Ўқубовлар тушунти- риш берди. Шунингдек, «Хоразм вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия»нинг 2000 йил декабрь ва 2001 йилга мўлжалланган тад- бирлар режаси» тасдиқланди. Вояга ет- маганлар ўртасидаги ҳўқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг сабабларини ўрганиш ҳамда олдини олиш, диний экстремистик ва террористик жиноий гуруҳлар таъси- рига тушиб қолган ёшларни тарбиялаш, вояга етмаганларга таълим-тарбия бе- риш, уларнинг соғлиғи, меҳнат ва ижти- мой муҳофазаси ҳамда ҳўқуқий онгини ўстириш тadbирларини амалга ошириш комиссия фаолиятининг асосий йўналиш- лари этиб белгиланди.

Комиссия ҳар ойда бир мартаба йи- гилиб, қўрилган ишларни муҳокама эта- диган бўлди. Қўйи туман комиссиялари эса, ойда ҳамда бир мартаба йиғилиб, чорак якунлари бўйича ахборот бериши белгиланди. Туман прокурорларига назо- рат тартибда аниқланган қонунбузар- ликларни комиссия муҳокамасига қир- тиш, комиссия фаолиятини тўғри ташкил этмаган раҳбарларга нисбатан прокурор- лик таъсир чораларини қўллаш топши- рилди.

Бозорбой УЛИБОБОВ,
«Хуқуқ» мухбири

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПРОКУРАТУРАСИДА

ҲАМКОРЛИК

Кеча Тошкент шаҳар прокуратурасида Республика прокурату- раси Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор- тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази олимлари билан ҳамкорликда диний экстремизм ҳамда терроризмнинг олдини олиш, бу борада ҳўқуқ-тартибот идоралари ҳамкорли- гини яхшилаш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Семинар ишида Тошкент ша- ҳар ҳамда туман прокурорлари ва ўринбосарлари, прокуратура ва милиция терговчилари, Респу- блика транспорт ва ҳарбий проку- ратураларининг масъул ходимла- ри, шунингдек, шаҳар ИИББ хо- димлари иштирок этишди.

Семинар ишини Марказ ди- ректори, юридик фанлари номзо- ди Ф. Раҳимов «Диний экстре- мизм ва терроризмнинг ижтимо- ий хавфи» мавзусидаги маъруза- си билан бошлаб берди.

Шундан сўнг Республика Мил- лий хавфсизлик хизмати ходими Ш. Алимҳаммедов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишла- ри бўйича қўмита раиси Ф. Соби- ров, Республика прокуратураси- нинг бўлим бошлиғи И. Нуров, Тошкент шаҳар прокурорининг

катта ёрдамчиси Э. Абзалов, Тош- кент шаҳар бош имом хатиби А. Турсуновлар сўзга чиқиб, диний экстремизм ва ақидапарастлик- нинг тарихи, моҳияти, унинг наза- рий асослари, диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жино- ятларни тергов қилиш хусусият- лари, ислом динида диний экстр- емизм билан боғлиқ бўлган ҳара- катларнинг қораланиши хусусида маърузалар қилишди.

Машғулот якунида муҳокама этилган масалалар бўйича фикр- лар алмашилди. Маърузачилар- нинг кўргазмалли қўлланмалар, видео лавҳалар ҳамда далилий ашёлардан фойдаланганликлари семинарнинг жонли ўтишини таъ- минлади.

(Ўз мухбиримиз.)

Ушбу сонда:

МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ АСОСИ ВА КАФОЛАТИ

Ўзбек халқи азалдан эркин- ликни қадрловчи халқ сифа- тида машҳур бўлган. Шунинг учун ҳам Истиқлолни оллоҳ- нинг буюк неъматли сифатида қабул қилди. 1 сентябрь - Мустақиллик куни эса энг улуг, энг азиз байрам бўлиб қолди.

2-бет

ТАНҚИДИЙ БАҲО БЕРИШ ЗАРУР

Юзага келган вазият таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, вилоят- да ижтимоий ҳимояга муҳтож, жазони ижро этиш муассаса- ларидан озод қилинган шахслар учун иш ўринлари ташкил этиш ва иш билан таъминлаш борасида зарур чоралар қўрилмаётир.

3-бет



XXI асрнинг ilk йилида ҳам «Хуқуқ» газетаси ва «Қонун ҳимоясида» журнали ҳар бир хонадон- га кириб бориш, Сизлар билан ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамлансин. 2001 йил учун нашрлари- мизга обуна давом этаёт- ганлигини яна бир бор эслатиб ўтмиз: «Хуқуқ» ва «Қонун ҳимоя- сида» — бу Сизнинг минбарингиз. Бу — мустақиллик минбари.

Индексларимиз:

«Қонун ҳимоясида» — 839, 840.

«Хуқуқ» — 231, 232.

E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta'sischi

O'zbekiston Respublikasi
prokuraturasi,
Toshkent shahar va Toshkent
viloyati prokuraturalari,
«Qonun himoyasida»
jurnali

Bosh muharrir:**A.ABDURAZZOQOV****Tahrir hay'ati:**

Mels Naimov,
Komiljon Ismoilov,
Botir Po'latov,
Baxtiyor Nazarov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Dilshod Islomov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Zayniddin Mamadaliev

Gazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-82-34
E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma
va suratlar egalarga
qaytalmaydi.
Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.
Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta andozasi tahririyat
kompyuter markazida
Pentium-II MMX - 333
kompyuterida sahifalandi.
Sahifalovchi B. SAIDOV
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
konserni bosmaxonasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma Γ - 1049
Nusxasi — 12925

Bosmaxonaga topshirish
vaqti 20.00
Bosmaxonaga
topshirildi 22.00

Gazeta haftaning chorshanba
kunlari chiqadi

Naybatchesi muharrir
Sh. YODGOROV

Naybatchesi N. MAHMUDOV
Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8**8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ**

МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ АСОСИ ВА КАФОЛАТИ

Халқимиз ҳаётида муҳим сана ва байрамлар кўп. Бироқ байрам билан санаи бир-биридан фарқлай олишимиз ҳам зарур. Бир пайтлар халқимиз оддий санаи ҳам байрам даражасида нишонлашга ўргатилган, тўғрироғи ўргатилган эди. Энди эса ижтимоий ҳаётда, дунёқарашимизда бўлаётган ўзгаришлар ҳатто ўтмишга ҳам танқид кўзи билан қарашга даъват этмоқда. Собiq иттифокда зўрма-зўраки нишонлаб келинган, халқимиз руҳиятига ёт байрамлардан воз кечдик.

Ўзбек халқи азалдан эркинликни қадрловчи халқ сифатида машҳур бўлган. Шунинг учун ҳам Истиқлолни оллоҳнинг буюк нёъмати сифатида қабул қилди. 1 сентябрь - Мустақиллик куни эса энг улуғ, энг азиз байрам бўлиб қолди.

1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун ҳам мамлакатимиз тарихига зарҳал қарфлар билан ёзиб қўйилди. Бу икки сана ўз моҳияти жиҳатидан ҳам бир-бирига уйғун, бир-бири билан боғлиқлиги барчамизга маълу.

Ўзбекистоннинг биринчи ва ҳақиқий Конституцияси қабул қилинганга яқинда саккиз йил тўлади. Ана шу вақт ичидан ўзининг ҳаётийлиги, халқчилигини амалда исботлади ва исботламоқда. Шу билан бирга жаҳон ҳамжамияти ҳам Конституциямиз халқаро андозаларга тўла жавоб беришини эътироф этди. Шунинг учун ҳам уни чинакам демократик, жаҳон конституцияси таракқиёти савиясидаги Асосий Қонун деб аташга ҳақлимиз. Ўртаб-шимиз унга таъриф берар эканлар, «...Конституция давлатни давлат, миллиятни миллият сифатида дунёга танитадиган қўмусномадир. Шу маънода Асосий Қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини ақс эттирибди», деганларида катта маъно бор. Чунки унинг муҳим принципларида бири — инсон ҳуқуқларини ўзида муҳассам этганлигидир. Инсон ҳақида қайғуриш, инсон ҳуқуқларини устивор деб эътироф этиш унинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Конституциямизнинг том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсули, дейишга катта асос бор. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳофиза қилишда бутун халқ шитирок этди. Асосий Қонунимиз ҳақиқатда ҳам демократик Конституциядир. У ўзида умуминсоний қадриятларни муҳассам этган, қолаверса дунёда энг ривожланган давлатларнинг тарихий тажрибасига таяниб яратилган. Айтиш мумкинки, бизнинг Конституциямиз ҳар қандай илгор мамлакатлар конституцияси билан бемалол беллаша олади.

Ўзбекистон Конституцияси мустақил давлатимизнинг қиёфасини белгиловчи низомий ҳужжатдир. У давлатимиз келажагининг асоси бўлиб ҳам хизмат қилади. Шу нарсага эътибор бериш керакки, Конституциямиз бозор иқтисодиёти ҳали ўз бўй-бастини тўла кўрсатмаган, ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар барқарорлашмаган бир шaroитда қабул қилинди. Бироқ бу ҳолатлар унинг мукамал бўлишига ҳеч қандай таъсир этмади.

Конституцияда Ўзбекистон фуқаролари ўларнинг насл-насаби, ирки ва миллатидан, бошқа ҳолатларидан қатъий назар тенг ҳуқуққа эга эканлиги таъкидланади. Шунингдек, у Ўзбекистон фуқароси деб ҳисобланган барча миллат ва элларнинг тиллари, урф-одатлари ва аъёнлари ҳурмат қилинишини ҳам кафолатлайди. Мамлакатимизда 170 дан ортиқ миллий - маданий

марказлар ташкил этилган. Мазкур марказлар ўз миллиятининг аъёнларини ривожлантиришга қаратилган чоралар кўради ва Ўзбекистон ҳукуматидан тегишли мадад олиб туради.

Республикаимиз ҳукумати олиб бораётган иқтисодий ислохотларнинг асосий мазмун-моҳиятини мулкчиликнинг турли шакллари, тadbirkorликни, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга катта эътибор қаратиш ташкил этади. Чунки, Конституцияда хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши алоҳида белгилаб қўйилган. Мақсад эса битта, у ҳам бўлса иқтисодиётни ўта марказлаштирилмаслик ҳамда яккахокимликка барҳам бериш, корхоналар, ташкилотлар ва хусусий тadbirkorларнинг мустақиллигини таъминлашдан иборатдир. Чунки ўз мулкига ўзи эга бўлган кишилар ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг асосий таянчидир. Қолаверса, тadbirkorлар, деҳқон ва фермер ҳужалиқларининг манфаатларини ўзида ифода этган бир қатор қонунларнинг, Президент ва республика ҳукумати томонидан қўллаб-қўллаб ва қарорлар қабул қилинганлиги уларнинг ҳуқуқларини янада ойдинлаштирди.

Сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи эса инсон манфаатларининг рўёбга чиқишида ва жамият муаммоларини ҳал этишда, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширишда катта имкониятлар очди. Мамлакатимизда сайлов, аввало, қонуний мақомага эга бўлиб, Конституциямизда алоҳида белгилаб қўйилган. Асосий Қонунимизнинг XXIII боби «Сайлов тизими» деб аталган. Мазкур боб беш банддан иборат бўлиб, унда мамлакатимизда сайловлар ўтказиш тартибининг ҳуқуқий асослари аниқ белгилаб берилган. Унга қўра, жинси, ирки, тили, дини, миллатидан қатъий назар ҳар бир Ўзбекистон фуқароси демократик давлатимиз ва жамиятимизни бошқаришда вакиллик органлари воситасида иштирок этади. Бунинг учун улар ўларнинг конституциявий даражадаги сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан фойдалана оладилар.

Асосий Қонунимизда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади, дейилган. Бироқ, ортбосимиз таъкидлаганидек, ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси мақомига кўтарилмаслиги керак. Бу эса бизнинг олдимизда миллий истиклол мафкурасини яратиш вазифасини қўяди. Ҳўш, миллий истиклол мафкураси қандай бўлиши керак? Президентимиз бу саволга жавоб берар экан, қўйидагиларга алоҳида тўхталган эди: «Унда жамиятимиздаги барча кучлар, ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари, аҳоли турли табақаларининг ўй-фикрлари, орзу-умидлари ўз ифодасини тоғмоғи лозим. У давлатимиз фуқароларини улуг мақсад йўлида қалбдан бирлаштиришга қўмаклашиши керак».

Конституцияда барча фуқароларнинг билим олиши, меҳнат қилиши ва дам олиши масалаларига алоҳида эътибор берилган эса Ўзбекистоннинг ҳақиқий ҳуқуқий демократик давлат сифатида шаклланаётганидан далолатлар. Айниқса, ёшларнинг замонавий билим ва қўникмаларга эга бўлиши масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Биргина Андижон вилоятининг ўзида 2000 йилда 20 га яқин коллеж ва битта лицей ишга туширилди. Бу албатта, ёш авлодининг жаҳон андозалари бўйича билим олишлари, келажақда Ўзбекистон

иқтисодиётини юксалтиришга хизмат қиладиган кадрлар бўлиб қамол топишида муҳим омилдир. Президентимиз томонидан жорий йилнинг «Соглом авлод йили» деб эълон қилиниши, бу борада алоҳида дастурнинг ишлаб чиқилиши ва унинг олти йўналиши бўйича жойларда иш олиб борилаётганлиги ҳам конституциявий қоидаларнинг ҳаётда ўз тасдиқини топаётганидан далолатдир.

Бироқ ўзбек халқи эришаётган ютуқ ва муваффақиятларни кўролмайдиган қимсалар унинг тараққиётига гов бўлишга уринмоқдалар. Ўтган йилнинг 16 февралда Тошкент шаҳрида, бу йил эса Сурхондарё вилоятининг Ўзун ва Сарийосиё, Андижон вилоятининг Избоскан туманида ана шундай кучлар томонидан амалга оширилган хўнрезликлар шундан далолат беради. Асосий Қонуннинг 1-боби 3-моддасида кўрсатилганидек, «Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир». Унга тажовуз қилганларнинг эса жазоси қандай бўлишини барчамиз кўриб турибмиз.

Айни пайтда ана шу воқеаларга халқимиз ўз муносабатини билдирмоқда. Ҳуқуқ-тартибот, прокуратура идоралари томонидан ўтказилаётган ўчрашувларда мустақиллигини кўролмаётган қимсаларнинг ҳақиқий башаралари аёвсиз очиб ташланмоқда. «Оғохликка даъват» («Оғохлик - давр талаби» чиорлари остида бўлиб ўтаётган турли тadbirkorлар чоғида халқимизнинг ўз мамлакатига ва ўз Президентини қай даражада севиши, ҳурмат қилиши намоян бўлаётти.

Республикаимизнинг иқтисодий, ижтимоий салоҳиятини оширишда Андижон вилоятининг ўз ўрни бор, албатта. Вилоят деҳқонларининг ғалла мустақиллигини мустаҳкамлашдаги улуши ҳам салмоқлидир. Дончилик ва пахтачилик соҳаларида Андижон маҳкаматининг яратилиши эса катта меҳнат натижаси эканлиги барчага аён.

Айниқса, пахтачиликда бу йил ўзига хос рекорд ўрнатилди. Мамлакат пахтачилиги тарихида илк бор давлатга қимматли саноат ҳом ашёси сотиш шартномавий режаси сентябрь ойида бажарилиди. Давлатга 305 минг тонна пахта етказиб берган андижонлик деҳқонлар қисқа фурсатда 30 минг тонналик мажбурийатини ҳам адо этдилар. Халқ ҳўжалигининг бошқа соҳаларида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ҳам ўз самараларини бераётти. Саноат корхоналарининг фаолиятида барқарорликка эришишнинг муҳим омилларига эътибор қўчайиб бормоқда. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, хусусий тadbirkorлик субъектларига зарур шароитларни яратиш бериш эса уларнинг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришдаги улушини тобора оширишга хизмат қилляти.

Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш жоизки, Ўзбекистон Конституциясининг бебаҳо сифатларидан асосийлари жамиятда тинчлик, оёйсыйшталлик ва қонунийликни таъминлашдир. Ана шу уч тамойилнинг мавжудлиги эса фуқароларни янада улкан муваффақиятларга илҳомлантираверади.

Конституциянинг 118-моддасида қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши устидан назорат прокуратура идоралари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Ана шу вазифа масъулияти барчамизни янада ғайрат ва шижоат билан ишлашга даъват этади.

Асосий Қонунимиз қабул қилинган кун байрам қилинаётган бир пайтда прокуратура ходимлари яна

бир муҳим санаи нишонлайдилар. 9 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинганга ҳам саккиз йил тўлади. Прокуратура фаолиятининг ҳуқуқий асоси ҳисобланган бу ҳўжат жамиятимизда қонун устиворлигини қарор топтириш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда давлат мустақиллигини ғайриқонуний тажовузулардан муҳофиза қилишни таъминлашга хизмат қилиб келмоқда.

Прокурори назорати тартибида аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиши, тadbirkorлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан мунтазам текширишлар ўтказиб турилмоқда. Бундай назорат натижасида фуқароларни иш билан таъминлаш, меҳнат қилиш, истеъмолий ҳуқуқлар ва бошқа конституциявий ҳуқуқлари бузилиши ҳоллари бартараф этилиб, уларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинмоқда. Тadbirkorлик субъектларига кредитлар ажратиш борасида амалга оширилаётган ишлар айниқса қатъий назоратга олинган. Уларга микрокредитларнинг республика Адлия вазирлиги рўйхатга олган тартиб асосида берилишига эришилмоқда.

Шунингдек, виллоятда иқтисодий ислохотларни жадаллаштиришга йўналтирилган Фармон ва қарорларнинг бажарилиши доимий назоратга олинган. Иқтисодиётимизга салбий таъсир кўрсатаётган жараёнлар жўмладан, ташкилотлараро ўзаро ҳисоб-китоблар ва тўлов интизомининг бузилиши ҳолларини, молия-кредит масалаларини ҳал этишдаги мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган кескин таъсир чоралари қўлланилмоқда. Бу эса ўз наъбатига дебитор ва кредитор қарзларнинг кескин камайиши, ислохотларнинг ҳаётга жадал татбиқ этилишида муҳим омил бўлаётти.

Қолаверса, яна бир муҳим вазифалардан бири жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш ишлари ҳам белгиланган дастур асосида амалга оширилмоқда. Бу борадаги ишлар виллоят ички ишлар, миллий хавфсизлик ва бошқа ҳуқуқни муҳофиза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда ташкил этилаётганлиги эса оғир турдаги жиноятларнинг кескин камайишига олиб келди. Содир этилган жиноятларни очиб ҳақми ўтган йилларга нисбатан анча ортди. Жиноятчи шахсларга жазонинг муқаррарлигини таъминлаш билан бирга жиноятлар оқибатида фуқароларга етказилган маънавий зарарларни ўндириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ишига ҳам алоҳида эътибор билан қаралмоқда.

Ҳуқуқий тарбия масаласи демократик давлат қуриш йўлидаги энг муҳим ва долзарб вазифалардан биридир. Фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ўстириш ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш демократик ҳуқуқий давлатнинг тараққиёт этишида зарурий жараёндир. Жамиятда ҳар бир фуқаронинг Конституция ва қонунларни билиши, уларга риоя этиши, қонунларга итоатқўйлиги шахсий эътиқод даражасига қўтарилган тақдирдагина эртанги порлоқ келажақимиз пойдевори мустаҳкам бўлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар авж паллага кирди. Ислохотларнинг аввалги босқичларида мустақил давлатчиликнинг барча ташкилий-ҳуқуқий асослари яратиб бўлинди. Иқтисодий-ижтимоий ва маънавий ҳаётимизда барқарорликка эришилмоқда. Эндиги асосий вазифа эса Конституциямиз асосида қабул қилинган қонунларнинг ижтимоий ҳаётга изчил ва самарали татбиқ этилишини таъминлашдир.

К.МАМАТОВ,
Андижон вилоят прокурорининг
ўринбосари,
адлия маслаҳатчиси

ТАНҚИДИЙ БАҲО БЕРИШ ЗАРУР

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ИШСИЗ ФУҚАРОЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАЛБ ЭТИШ АҲВОЛИ ҚАНДАЙ?

Иккинчи ҷаҳриқ Ҷумҳурии Тоҷикистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессиясида «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳофизати тўғрисида»-ги қонун лойиҳаси айни вақтда ишлаб чиқилди ва халқ муҳофизатига қўйилди. Чунки аҳоли барча қатламларининг қонун лойиҳаларини муҳофизатига қатнашиши қабул қилинган қонуннинг муқамал бўлишини таъминлайди ва келажакда эскириб қолганининг олдини олади. Қонун лойиҳалари муҳофизатига аҳолининг қатнашишини таъминлашда ушбу қонун жуда зарур. Қонун лойиҳаси муҳофизатига қатнашган киши қонунни ҳеч бўлмаганда бир мартаба ўқиб чиқади ва ўзининг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий билим савиясини оширади ва келажакда қонун нормалари бузилган тақдирда ҳақ-ҳуқуқи учун курашади. Ҳозирги кунда муҳтарам Президентимиз ҳар бир нутқи ва маърузасида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий билим савиясини ошириш зарурлиги тўғрисида қўйиб гапирмоқда. Шундай экан, ҳар бир фуқаро агар қонун халқ манфаати учун хизмат қилсин десан, қонун лойиҳалари муҳофизатига қатнашиши керак. Энди қонун лойиҳаси ҳақида.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИГА ТАКЛИФЛАРИМИЗ БОР

Бизда ҳам ушбу қонун лойиҳаси юзасидан айрим фикр ва мулоҳазалар туғилди. Жумладан, қонуннинг номланганини «Қонун лойиҳалари юзасидан халқ муҳофизати тўғрисида»-ги Ҷумҳурии Тоҷикистон Республикаси қонун деб ўзгаририлса яхшироқ бўларди.

Лойиҳада қандай қонунлар умумхалқ муҳофизатига қўйилмаслиги кўрсатилмаган. Ҳар бир давлатда халқ муҳофизатига қўйилмайдиган давлат аҳамиятига эга бўлган қонунлар мавжуд ва бу қонунлар халқ муҳофизатига қўйилмасдан, балки парламентда тузилган комиссия муҳофизатига билан қабул қилинади. Шунинг учун халқ муҳофизатига қўйилмайдиган қонунларнинг белгилари, турлари ёки таърифи киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қонун лойиҳасининг 4-моддасида «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳофизати иштирокчилари» кўрсатилган ва матнда «қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир» дейилган. Бу аҳоли учун тушунмовчиликни келтириб чиқаради. Республикада ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан бормоқда, инсон ҳуқуқлари устиворлиги белгилаб қўйилган. Ҳар бир фуқаро келиб чиқиши, ирқи, миллати, тили, дини ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар тенгдир. Бу Конституцияимизнинг 18-моддасида ўз аксини топади. Қонун лойиҳаларининг муҳофизатига ҳеч қимнинг фикри бериш, ўзи тақлифларини киритиш ҳуқуқи чекланган бўлиши мумкин эмас. Чунки бу ҳолат халқроқ ҳуқуқ нормаларида ҳам белгиланган. 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг 19-моддасида «Ҳар бир инсон маслаҳат эркинлигига ва буларни эркин ифодалаш ҳуқуқига эгадир: ушбу ҳуқуқ ҳеч бир ҳалаласиз ўз маслаҳатларига риоя этиш эркини ва ахборот ва қўлланари ҳар қандай воситалар билан ҳамда давлат идораларининг муқомалари тарзда қидириш, олиш ва тарқатиш эркини қамраб олади» дейилган ва бу қонунда Ҷумҳурии Тоҷикистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»-ги қонунда ҳам ўз аксини топади. Ушбу қонун лойиҳасининг 3-моддасида ҳам «Қонун лойиҳалари умумхалқ муҳофизатининг асосий принциплари» келтирилган ва ушбу моддада «ҳама учун очиклик» принципи ёзиб қўйилган. Демак, ушбу принципга асосан, ҳар бир киши қонун лойиҳалари юзасидан ўз фикрини билдириши керак. «Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно» дейилганда бизнинг фикримизча, озодликдан маҳрум этиш жойларида, қамқонхоналарда жазони ўтаётган шахсларни, руҳий ҳаста кишиларни тушуниш мумкин. Тўғри, бундай шахслар қўллаб ҳуқуқлардан маҳрум бўлишларида ўзлари сабабчи бўлишади, лекин бу ҳолат қонун лойиҳалари муҳофизатига юзасидан улар бирон-бир фикр, тақлиф бера олмайди, деган ҳулоса чиқаришга сабаб бўлмаслиги керак. Чунки айрим имли, дунёқароши кенг бўлган кишилар эҳтиётсизлик оқсидида содир қилган жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилган. Шуларни ҳисобга олиб қонун лойиҳасининг 4-моддасидаги юқоридаги жумла олиб ташланса, бу қонуннинг аяда демократик, муқамал ва инсоний бўлишига олиб келарди, деб ўйлаймиз.

Лойиҳанинг 14-моддасида айтилишича, қонун лойиҳалари умумхалқ муҳофизати учун «Халқ сўзи», «Народное слово» газеталарида, махсус нашрларда, бошқа оммавий ахборот воситаларида чоп қилиниши мумкин. Мақсад аҳолининг қонун лойиҳалари муҳофизатига фаол иштирокини таъминлаш экан, ҳар бир ташкилот, корхона, муассаса ва бошқа меҳнат жамоаларининг ўзлари уларни қўлайитириб, муҳофизат қилишни ташкил этиши керак. Шунда ҳар бир фуқаро қонун лойиҳасини қўриб чиқиб ўз фикр-мулоҳазаларини беради. Қонуннинг узоқ вақт амал қилиши унинг лойиҳаси муҳофизатига қатнашган кишиларнинг сонига ҳам боғлиқ. Чунки муҳофизатда қанчалик кўп киши иштирок этсан, қонун юзасидан шунчалик кўп фикрлар, тақлифлар билдирилади.

У.БОЗОРОВ,
Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази директори
И.ЭШМАТОВ,
марказнинг етакчи маслаҳатчиси

УЯТГА ҚОЛДИК-КУ, ОТАЖОН!

Падали бузруквор ва волидаи муҳтарамларнинг дуолари, насихатларини олган фарзанд кам бўлмайди. Чунки ота-она фарзандига ҳаммаша тўғри йўл кўрсатади, унга яхшиликни айтилади. Бироқ ота-фарзанднинг қин-ғир йўлга бошласа-чи?

Бундай ҳолатнинг юз беришига ишончи қийин. Афсуски, бировнинг молига қўз олайитириш билан бойлик ортиштириш ният қилган бадният ота ўзи қазиган чоғга ўғлини ҳам тортаганили рост.

Шу йил 16 февралга ўтар кечаси «Тошкент-Хоразм» йўналишидаги автобусдан икки киши тутилди. Булар пойтахтга ёлланган бўлаб пул топишга кетган ота-ўғил Ражаб ва Расул

Ҳамидовлар эди. Улар «Пахтаобод» жамоа ҳўжалиғига қарашли «Сариқунда» қишлоғига етишганда бироз тўхтаб қолдиши.

Отани шайтон йўлдан урди. Тошкентда нима пул — қўй гўшти пул, агар режаси амалга ошсан, қозон-қўчмачи мой бўлишини ўйлаб, чех-россия ёришди. Уялмай-нетмай ўғлига ниятини айтиди. Расул бу ишга норози бўлди. Қўз-қўзга тушиб турадиган қамқишлоғини бепой қилиб қўйиш инсофдоники. Бунинг устига йўл азоби, онаси, ака-укалари, қолвераси юрт соғинчи. Лекин, отаси қатъий талаб қилган, индамай рози бўлди.

Ражаб Ҳамидов ҳамқишлоғи Ис-

Жиноятларнинг аксарияти иш-ламайдиган шахслар томонидан содир этилади. Бундай ноҳуш ҳолатлар тобора кўпайиб бораётгани айниқса ташвишланарлидир. Жумладан, ўтган йилнинг дастлабки етти ойи мобайнида шу тоифадаги шахслар томонидан содир этилган жиноятлар жорий йилнинг ана шу даврида 68,8 фоизга ўсди.

Юзага келган вазият таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, вилоятда ижтимоий ҳимояга муҳтож, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар учун иш ўринлари ташкил этиш ва иш билан таъминлаш борасида зарур чоралар қўрилмаётир. Бу нарса вилоят прокуратураси идоралари томонидан ўтказилган текширишлар жараёнида яна бир бор исботини топди.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан Шеробод туман ҳокими бу йил ишга муҳтож фуқаролар учун 180 та иш ўрни ташкил этиш, шундан 18 тасини жазони ўтаб қайтган шахсларга ажратиш тўғрисида қарор қабул қилган. Бироқ бу қарор етарли даражада бажарилмасдан қолаверган. Энг ёмон, маълумотларни сохталаштириш ҳолларига йўл қўйилган. Мисол учун, «Шерободпахта» ҳиссадорлик жамияти раиси туман меҳнат бўлимига 12 та янги иш ўрни яратилди, деб маълумот берган. Шундан сўнг меҳнат бўлими томонидан иш билан таъминлаш учун Шерали Жўраев, Музаффар Бўтаёров ва жазони ўтаб келган Уктам Номозовлар қорхонага жўрилган. Аммо жамоа раҳбари Зор Мухаммадиев уларни ишга қабул қилмаган. Йўлланма варақасига тўғридан-тўғри «Иш ўрни йўқ», деб ёзиб берган. Натижада бу фуқаролар ишга жойлашолмаган.

Сарбосиё туманида эса янги иш ўринлари ташкил этиш тўғрисидаги ҳуқуқат қарори бажарилмасдан келинмоқда. Бу йил Тўполан сув қурилиш бошқармасида 35 та, машина-трактор парки давлат-акционерлик жамиятида 9 та, ўрмон ҳўжалиғида 17 та иш ўрни ташкил этилиши режалаштирилган эди. Афсуски, амалда бу жамоаларда бирорта ҳам янги иш ўрни ташкил этилмаган.

Айрим шахар ва туман меҳнат бўлиmlари масъул ходимлари қозғозбозлик ва маълумотларни сохталаштиришдан нарга ўтишмаяпти.

Термиз шахар меҳнат бўлими ва кўнктириш маркази ҳўқуқни муҳофизатга эътибор идоралар билан ҳам қорликда жазони ўташ муассасаларидан озод этилган шахсларнинг жамиятда ўз ўринини топиб кетишларига оид қонунлар ижросини таъминлаш юзасидан дастур ишлаб чиққан. Шуниси ачинарлики, унда кўрсатилган тадбирлар деярли бажарилмасдан қолган. Жумладан, Дастурнинг 8-бандида жазони ўташ жойларидан қайтган шахсларнинг

иш билан таъминланмай қолш сабабларини таҳлил этиб, бундай ҳолатларнинг олдини олиш чоралари қўриб борилиши кўрсатилган. Лекин бу яхши ният қозғода қилиб кетаверган.

Шу йилнинг дастлабки етти ойи мобайнида Термиз шахрида яшовчи неча ўнлаб нафар шахс озодликдан маҳрум этиш жойларидан қайтиб келган. Улардан атиги 37 нафари ишга жойлаштиришни сўраб, меҳнат бўлимига мурожаат қилган, холос. Шулардан ҳам ўнтасининг талаби қаноатлантирилмаган. З.Жалилов, М.Норкулов, Н.Бозоров каби фуқароларга ишга жойлашув учун тегишли ташкилотларга йўлланма берилган бўлса-да, бекор юраверилган. Уларнинг кейинги тақдирини билан меҳнат бўлими, ижтимоий кўнктириш маркази ёки ИИБ ходимлари ҳам мутлақо қизиқишмаган.

Мазкур шахар меҳнат бўлими мутасаддилари ўз сай-ҳаракатлари билан ишга жойлашган Ландиш Муртазина ва Зинуре Абдуллаева меҳнат бўлими йўлланмасига асосан иш билан таъминланди қабилида сохта маълумотлар тузиб келишган. Бундай нўқсонлар бошқа туманлар меҳнат бўлиmlари фаолиятида ҳам мавжуд.

Маълумотларга қўра ҳозир вилоятда 63 мингдан ортиқ ишсиз бор. (Аслида бекорчилик сони бундан ҳам кўп). Вилоят меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимос қилиш бошқармаси мутасаддилари эса негидир жон-жаҳдлари билан бу рақамни анча камайитириб кўрсатишга уринишди. Бунга сабаб нима? Ҳақиқий аҳолини хаспўшлаш эмас-микан?!

Бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи Қ.Каримов имзоси билан бизга тақдим этилган маълумотнома кўра жорий йилнинг тўққиз ойида меҳнат бўлиmlарига 13 минг 845 киши иш сўраб мурожаат қилган. Шулардан 9674 нафари ишга жойлаштилган. 3239 киши ишни рад этган. Бор-йўғи 2995 нафар фуқаро ишсиз деб эътироф этилган. Бу ҳатто ўзлари ишлаб чиққан «Бандлик» Дастурига нисбатан ҳам 75,9 фоизни ташкил этади.

— Нера амалда ишсиз юрганларнинг мутлақ кўпчилиги сизларга умуман мурожаат қилмаган. Ҳатто мурожаат қилганларнинг ҳам ҳар тўрттасидан биттаси кейинчалик «ишни рад этган». Шу ҳақда ҳеч ўйлаб қўрганмисиз? — Бошқарманинг бир неча масъул раҳбарларига шундай саволлар билан мурожаат қилдик.

— Бизнинг халқимизнинг табияти шунақча, «Мен ишсизман. Менга иш топиб беринглар» дейишни ўзига ор билади. Андиша қилади, — дейди бошқарма ўринбосари Комил Жўракулов. — Қолвераси, бундан моддий маънафатдорлик ҳам кам. Шунинг учун кўпчилик чорва билан шугулланиш-

Энди жаҳрланувчидан ҳол сўрайлик. Исом Рамазонев эрталаб қараса, молхонаси бўм-бўш. Хонадон аҳли эрт югуриб қўйларни излашди. Бир эмас, икки эмас, нақд15 бош қўй-қўзидан аҳралиб қолш ҳазил гапми ҳозирги замонда. Қўларнинг изини олишди, из захалашга бораганда йўқолди. Номилж қолган жаҳрдийдалар миллиячига қопишди.

Тезкор қидирув натижасида ўғиллар аниқланди. Ота-ўғил Ражаб ва Расул Ҳамидовларнинг қилмиши қўз бўлиб, ҳамқишлоқлари олдида қозлари шувит бўлди.

Жиноят жазосиз қолмади. Ота-ўғил ўғиллар суднинг қора қурсисиде бош эгдилар. Ота қамалди, ўғилга ахлоқ тузатиш иши тайинланди. Бир оила учун бундан ортиқ фожиа бўлмаса керак.

Маънавияти юксак, иймон-эъти-

ни, томорқада меҳнат қилишни афзал билади.

Унинг фикрини бандлик бўлими бошлиғи Ҳўшбой Ортиқов ҳам қўллаб-қувватлади:

— Ишсизлик нафақаси кам. Мисол учун ҳарбий хизматдан бўшаб келиб, иш излаётган йигитларга ойига энг кам иш ҳақининг 75 фоизи миқдорда моддий ёрдам қўрсатиш мумкин. Ҳўжалик, қорхона ва ташкилотларда ҳам иш ҳақи миқдори ҳозирги давр талабига тўғри келмайди. Бунинг устига ойлик маошлар вақтида берилмайди. Шунинг учун ишга жойлашшга қизиқиш кам.

Бу гапларда ҳам жон бор, албатта. Аммо бошқа сабаблар ҳам кўп.

Ортимизда фуқароларнинг ижтимоий ҳимос қилишга қатта эътибор берилмоқда. Айниқса иш ахтарган фуқароларга ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишлари учун қонун йўли билан бир қатор имтиёзлар берилган. 1992 йилдаёқ аҳолини иш билан таъминлашга доир қонун қабул қилинган. Афсуски, бундан қўпчилик хабардор эмас. Ҳатто туманларда аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимос қилиш меҳнат бўлиmlари борлигини, ўз-ўзини бошқариш идораларида меҳнат нозирлари фаолият кўрсатишини умуман билишмайди.

Айни пайтда вилоят меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимос қилиш бошқармаси ҳамда унинг жойлардаги бўлиmlарида 342 киши ишляпти. Ўз-ўзини бошқариш идораларига бириктирилган масъул ходимлар бор. Бироқ улар халқ ичига кириб боришмаяпти. Одамлар ўртасида етарли даражада тушунириш ишлари олиб борилмаётир. Ишсизларни аниқлаш ва уларни ижтимоий фойдала меҳнатга жалб этиш борасида фаолият кўрсатилмапти. Кўпроқ кабинетда ўтириб, қозғозбозлик ва юзакли маълумотномалар тайёрлаш билан шугулланиш наф бермайди. Ҳокимлар ва ўз-ўзини бошқариш идоралари билан мустақкам алоқа ўрнатилмаган. Юқорида келтирилган далиллар ҳам шундан далолат беради.

Шундай экан, қилинган ишларни танқидий нўқтаи назардан баҳолаш, хато-қамчилликларни бартараф этиш чора-тадбирларини қўриш зарур. Ходимлар масъулиятини ошириш, уларга нисбатан талабчанликни қучайтирмоқ лозим. Афсуски, бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи Қ.Каримов ҳақиқий аҳолини хаспўшлаш ва ўзини оқлаш билан овора. Биз у билан бўлган суҳбатда шундай ҳулосага келдик.

Ниятимиз шунки, ишсизлик қамайсан. Бунга эришилса жиноятчилик илдиэига ҳам болта урилади.

Қурбон ЖўРАНАЗАРОВ
«Ҳўқуқ» мухбири

қолди инсон ҳеч қачон тубан кетмайди. Ёвузликча, хиёнатча кўп урмайди. Эъгуликни, эл-юрт қорига ярашни, ўзидан яхши ном қолдиришни эъгу-мақсад деб билади. Ҳўш биз юқорида тилга олган ота-ўғилчи?!

Улар нимани мақсад қилдилар? Жиноят фаш бўлиб қолган, ўғил алам билан «уятга қолдик-ку, ота-жон» деганида ота нималарни ҳис қилди экан? Бориға шўқр қилиб, оиласини ҳалол лўкма билан боқш, уларга ҳалол-ҳаромнинг фарқиға етишини ўргатиш ўрниға, ўғлини ҳам жиноят қўчасига бошлаганидан афсус чеккандир, балки?!

Ҳамро САИДОВ,
Пешку туман прокуратураси
терговчиси



ИНСОН, ФРИТНА?

Аёллар таърифида қалам юргизмак қарок ерни омон билан шудгор қилишдан ҳам қийин бўлади баъзан. «Кеча ва кундуз» романида ардоқли ёзувчимиз Чўлпон асар қахрамони Зебини баҳорда очилган бойчакка ўхшатади. Унинг онаси Курбонбинини эса отаси Раззок сўфи тилидан «Фитна» деб атайдди. Содда, муштилар аёлининг нега бундай аталиши алоҳида мавзу, аммо умуман олганда, юқоридаги ўхшатишлар маълум маънода биздаги аёлларга бўлган муносабатни ифодалайди. Негаки, муҳаббатимизнинг ҳам, нафратимизнинг ҳам боиси — аёл.

Инсонга умр ўлчаб берилади. Ер юзидида буюк шифокорлар ҳам уни бир сония кўпайтириб қўйишни урдадай олмаганлар. Бу Аллоҳнинг иродаси эканлигига тан берганлар. Инсоннинг қадр-қиммати, замондошлари ва яқинлари қалбида қолдирган изи қанча яшаганлиги билан эмас, балки эл-юрти учун қилган ишлари, бу йўлда орттирган фазилатлари билан ўлланади. Кўпична узоқ яшаганларни кўрсак ёки эшитсак ҳавас билан қараймиз. Дастурхон устида бир-биримизга узоқ умр талаб, фотиҳа ўқиймиз. Бу бизнинг шарқона удумимиз.

батларда у кишининг эзгу ишлари, юракларда ёруғлик уйғотган инсоний фазилатлари ҳақида тўлиб-тошиб сўзлашади.

Раъно опани таниган-билган инсонлардан бирор киши йўқки, «Раъно опа менга шундай яхшилик қилган эдилар», «Раъно опа мард аёл эдилар» деб эслама.

Раъно опа ўзининг ҳамкасбларидан ташқари, ҳузурига келган барча фўқароларнинг, ҳоҳ у ариза-чи бўлсин, ҳоҳ жиноятчи, борингки, мултоқ бегона, ёрдамга муҳтож инсонларнинг дардини тинглар, қўлидан келган ҳуқуқий ва маънавий ёрдамчини аямасди. Ҳаттоки, у киши давлат айбловини қувватлаган жиноят ишлари бўйича судла-нувчилар жазо муддатини ўтаб қай-тганидан сўнг опанинг олдида кели-либ, миннатдорчилик билдирганларига гувоҳ бўлганмиз.

Муқаддас ҳақларда жаннатни одам бу ўткинчи дунёнинг бойлик-лари, ҳоҳ ҳавасларига назар солмай ўтади, дейилган. Бизнингча, ушбу гаплар айнан Раъно опага ўхшаган инсонларга нисбатан ай-тилган бўлса керак. Чўнки Раъно опа бу дунёнинг ҳар қандай дабда-баъларига назар солмай, камтарона ҳаёт кечириб ўтди.

Раъно опанинг бундай олийжа-но фазилатлари тўғрисида Аллоҳ-таоло ўзининг жаннатидан жой аж-ратиб, охиратларини обод қилган бўлса ажаб эмас.

Ҳа, Раъно опа, Сиз ҳеч қачон озгингиздан қўймаган қаломингиз-дек, Аллоҳ Сизни бандам деган бўлсин.

С.ОПТИКОВА

БИЗ МАСЪУЛМИЗ

Аслида «Она билан бола - гул билан лол» деган халқимизда минг йиллардан бери аёлларга нисбатан эъзозли муносабат шаклланган. Уларга оғир иш қилдир-маслик, ёмон гапирмаслик, ҳатто сафарга ёлғиз жўнатмаслик шу-лар жумласидан. Ўттизинчи йил-ларгача шундай бўлган, дейиш-да кексаларимиз. Кейин... Кейин ҳаммаси ўзгариб кетди. Завод-ларда, пахта далаларида, қури-лишларда аёллар ишлаб бошла-дилар. Бир сўз билан айтганда рўзгор аравасини тортиш эркак-лар билан теппа-тенг аёлларнинг ҳам гарданига тушди. Бу аёл-эркак «тенг ҳуқуқли» саналган со-вет замонидаги гаплар.

Истиклолдан сўнг юртимизда аёлларга муносабат ўзгарди. Буни илк орденимиз «Соғлом авлод учун» эканлиги-ю, 1999 йил - Аёл-лар йили деб эълон қилинган-дан кўра бўлади. Бироқ мени бир нарса ўйлантиради. Ҳолва деган билан оғиз чўчимаиди де-ганларидек, машъум тузум асо-

ратларидан қутулишимиз осон бўлмайди чамаси. Ҳалим ака-рият оилаларда рўзгор юритиш юки эркак билан теппа-тенг аёл гарданида. Табиатан аёл жисми нозик. Шунга қарамай улар ўзла-рини ўтга-чўққа урадилар. Бу йўлда соғлиқларини йўқотадилар. Маълумотларга кўра шу кўнлар-да мамлакатимиздаги ҳомиладор аёлларнинг бир қисмида кам-қон-лик аниқланган. Буни ҳеч икки-ланмасдан тезда бартараф эти-лиш лозим бўлган муаммо деб ҳисоблаш мумкин. Яна бир ачи-нарли ҳол баъзи аёлларнинг жи-ноятга қўл ураётганлигидир.

Нима бўлганда ҳам, биз эркак-лар опа-синглимиз, онамиз, ра-фикамиз, қизимизнинг соғлиги, ҳуқуқи, турмуши учун масъулмиз. Расулulloҳ айтганларки, орала-рингизда энг яхшингиз аҳли аёли-га фойдаси кўп тегадиганингиз-дир. Ушбу ҳикматнинг мағзини қақсак, муаммолар ечимини топ-ган бўламиз.

Ҳасан НИШОНОВ

Давлатобод туман прокуратура-си томонидан туман ҳудудида умумий жиноятчилик ва унинг турлари ҳамда содир этилиш сабаблари тах-лил этилганда маълум бўлишича, 9 ойда умумий жиноятчилик 16.9 фо-изга кўпайган. Энг ачинарлиси, бу жиноятларни содир этишда хотин-қизлар бирмунча «фаол» қатнаш-ганлар.

«SONY» магнитофони олиб чиқиб кетади. Унинг қалитини Шимолий Фарғона каналига ташлаб юбора-ди. Изқуварлар бу жиноятни жуда тез фоти эшитди. Терговда аниқ-ла-нишича, марҳума Л.Шишкова ҳам 74 ёшга етган қайвони бўлишга қара-масдан майхўрлик, қўшмачилик каби жиркани ишлардан ҳазар қилмаган. Бу ҳолатларга уй бошқарувчиси,

М.Тўхтабоева оиласидан ажрашиб, ҳеч қандай ишламасдан, жамиятга зид равишда ҳаёт кечириб келган. Шунингдек, 1976 йилда Наманган шаҳрида туғилган Н.Османова қўридаги «хамсоя»лари билан 4-кичик туман, 40-хонадонда ўзига хос «ишхона» очиб олишган. Лекин бу ҳолатлар ҳам кенг жа-моатчилик эътиборидан четда қол-

синчи» кўтаролмаган А.Қлоев воқеа жойида ҳалок бўлади. Албатта, жи-ноятчи қилмишига яраша жазосини олади. Бироқ иллатнинг изларини сўпуриб ташлаш учун қатта куч ва сарф-ҳаракат талаб этилмоқда. Афсуски, мисолларнинг юзига тик қарайдиган бўлсак, фоҳишабоз-лик, қўшмачилик каби жамиятга зид хатти-ҳаракатлар Давлатобод туман-

фўқароси Е.Чигирь шулар жумла-сидандир.

Йилнинг ўтган даврида 25 та фоҳиша, 18 та қўшмачи ва нарко-манлар аниқланган, маъмурий жа-золарга тортилган ва бир қанчаси тери-таносил қасаликларига ча-линганни учун тегишли равишда ҳисобга олинган бўлса-да, бундай ахлоққа зид хатти-ҳаракатлар да-вом этиб келмоқда. Ундан ташқари, таъкидлаш жоизки, ўнлаб жиноят-лар бевосита аёллар, хотин-қизлар тўғрисида бўлиб, улар аралашувида со-дир этилмоқда.

Биз туман ички ишлар бўлими ходимлари, участка нозирлари ва маҳалла фаоллари ёрдамида пас-порт тизими йўналишида фўқаро-ларнинг ҳужжатларини «инвентари-зация»дан ўтказиб, ҳақиқий аҳвол-нинг аниқ манзарасига эга бўлдик. Энди қайси йўналишда қандай иш олиб боришни яхши биламиз. Авва-ло, аёллар ўртасида жиноятчилик-нинг пайини қирқиб учун кенг жа-моатчилик таъсирини қўчайтириш лозим. Шунингдек, мавжуд маҳалла фўқаролар йиғинлари, ҳар бир ки-чик туманлар бўйича хотин-қизлар кенгашиларнинг махсус ишчи гу-руҳларини тўзиб, аёллар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан алоҳида тад-бирлар ишлаб чиқиб, тушунтириш-тарғибот ишларини янада қўчайти-риш лозим бўлади. Ушбу ишларда оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш, танқидий, таъ-сирчан чиқишлар ташкил этилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблай-ман.

Ф.БОЙЗҚОВ,

Давлатобод туман прокурори,
адлия маслаҳатчиси

СИЗГА НИМА БЎЛДИ, МУҲТАРАМ АЁЛ!?

Агар 1999 йилнинг 12 ойда хо-тин-қизлар томонидан 38 та жиноят содир этилган бўлса, 2000 йилнинг 9 ойи мобайнида бу рақам 56 тани ташкил этди.

Аёллар томонидан содир этил-ган жиноятлар таҳлил этилса, яна ҳам ачинарли манзара кўзга ташла-нади. Урф-одатларимиз, муқаддас аънаёларимиз бўйича ҳурмат-эҳти-ромга сазовор бўлиш керак бўлган аёл қўлтиликка қўл уради, безорили-лик қилади, қўшмачилик билан шу-гулланади. Ҳатто танфурӯшлик да-ражасида тубанликка ҳоҳ тутади..

Жумладан, 1970 йилда Учқўрғон шаҳрида туғилган Наталья Лазеро-ва Давлатобод тумани мавзелири-дан бирда вақтинча ашаб, ҳеч қанда-да ишламасдан, гивёвандлик билан шу-гулланган. 12 июнь кўни қўшниси Л.Шишковадан гивёванд модда со-с-тиб олиш учун қарзга 2000 сўм пул сўрайди. Лекин қўшниси қарз бер-майди. Шундан кейин у кечаси маст ҳолда қўшнисиқига бостириб қиради ва кекса аёлини қарз берма-гани учун бўғиб ўлдирди. Кейин деворда осмиқли турган гиламини ўғирлашга тайёрлаб қўяди ва

қўни-қўшнилар, «Умид» маҳалла фўқаролар йиғини (раиси Ф.Жали-лов), хотин-қизлар кенгаши фаол-лари эътибор бершмаган. Қўшни-ларнинг юриш-туриши жамоатчи-лик назоратидан четда қолган. Бу охи-р-оқибат ўта оғир жиноятнинг содир этилишига олиб келган.

1968 йилда Уйчи туманида ту-ғилган, Давлатободнинг 4-кичик ту-мани 40-уйини 27-хонадонда яшаб келган фўқаро Ёқутхон Бойдадаева 1999 йилда безорилик жинояти учун судланган эди. Аммо жазо мудда-тини ўтаб бўлмасдан яна жиноят содир этди: давлатободлик фўқа-ро Гўлчехра Мухаммадинова билан Косонсой туманидан «дам олиш-га келган фўқаро Иброҳим Ончилиев-ни қалтаклаб, унинг ёнидаги 2200 сўм пулини тортиб олишди ва воқеа жойидан қочиб кетишди.

Олиб боришдан тезкор ишлар натижасида содир этилган бу жи-ноят фоти этилди. Тергов натижалари-га кўра, улар судга берилди. Аниқ-ла-нишича, мазкур «тунги қалпак-лар»нинг бошқа шериклари ҳам бор экан. 1972 йилда Наманган шаҳри-да туғилган, 2 нафар фарзанди бор

ған. Ахлоқи бузук бу кимсаларнинг мушугини биров «пишт» демаган. Атрофдагиларнинг бефарқлиги жи-ноятчиликнинг илдиригига саба-б бўлган.

Давлатобод саноат ва савдо-со-тик бир мунча тез ривожланаётган шаҳарча. Бу ерда ишлайман деган одамга шaroит етарли. Айни пайт-да уй-жой масаласида ҳам нисба-тан бемалолгарчилик бор. Шу ҳолат айрим енгилтабиат кимсаларнинг ижара уйларида танфурӯшлик ва бошқа жиноятлар билан шуғулла-нишига шaroит яратган. Асли На-манган туманидан бўлган З.Худой-бердиева ва З.Насриддиновалар чустлик фўқаро, Давлатободнинг тунги «мехмони» бўлишни кўнгли тўсаб қолган Х.Зиевнинг 48.700 сўм пулини ўғирлаганликда айб-ла-ниб, судга берилди.

Гивёвандлик майшатпарастлик-нинг соясида юрадиган иллат. Му-қаддам икки марта судланган Нина Дроннинг ўзи гивёванд бўлишига қарамайдан, бошқаларни ҳам «ни-нага ўтказиш» билан шуғуланган. Лекин ҳуқуқ қанда эмас, қунда си-нади, дегадларидек, унинг «иғна-

нида айрим енгил табиат шахслар учун ўзига хос бир «касбга» айлана-ётганини кўрамыз. Масалан, 2-ки-чик тумандаги 22-уйини 16-хона-донда яшовчи Насиба Содқова, 1-кичик туман, 51-уй, 22-хонадонда яшовчи фўқаро Татьяна Капитова ўзлари яшаб турган уйларидека фо-ҳишахоналар очиб, қўшмачилик қилиб келишган. Бундай мисолларни қўлаб келтириш мумкин ва ҳатто ҳали балоғат ёшга етмаган қиз-ларнинг ҳам бунга жалб этилаётга-ни ташвишли ҳолдир. Кўп қаватли уйларда яшаётган фўқаролар томо-нидан паспорт тизимига риоя эти-лиши туман ИИБ томонидан етарли даражада текшириб боришмаслиги оқибатида бу уйларга қўлаб бошқа туман, қўшни вилоятлар, ҳатто бо-шқа давлатлардан аёлларнинг ке-либ, қонунсиз яшаётганини оло-ҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Масала, Россия фўқароси Н.Смирнова, Андижон вилояти Изобоскан тумани-да яшовчи Г.Тожибоева, Қирғизис-тоннинг Жалолобод вилоятидан кел-ган Н.Абдуқаҳорова, Фарғона вило-яти Буйадаи туманидан келган Н.Янгибоева, Коми Республикаси

Давлатимизнинг гуллаб-яшнаши, халқнинг фароғати бешак ҳуқуқ-одоб эгаси бўлган ёшларимизга боғлиқ. Ҳуқуқ-одоб эса муттасил тарбия тўғрисида шаклланади. Шу мақсадда ҳам жорий «Соғлом авлод йили»да мамлакатимизда қабул қилинаётган кўпгина қарор ва фармонлар келажакимиз ворислари бўлмиш баркамол авлод тарбиясига қаратилаётир.

— Воёга етмаганлар ўртасида юз бераётган баъзи жиноятларни таҳлил қилиш жараёнида гоҳида уйга толамиз. Тарбия биргина мақсад — маълумотли фўқароларни камол топтириш билан чекланиб қолиши керакми? Йўқ, бу камлик қилади. Фақат мактабдагина эмас, ижтимоий ҳаётда ҳам давом этадиган тарбия иши иложи борида шахснинг ижодий қобилиятларини, унинг ғайрат ва ташаббускорлигини оширишга имкон берувчи барча воситалар ёрдамида олиб боришмоғи керак.

Ростини айтсам, ўсмирлар тўғрисидаги муаммолар бундан 2-3 йил аввал вужудга келган эди. Даставвал ушбу вазиятни пайдо қилган омиллари бир эсга олиб ўтайлик. Собиқ СССР тузуми парокандаликка юз тутган, ёшларимизни жамоаларга бириктириб турувчи «Пионер», «Комсомол» дейилувчи тузилма ҳам қўмиталар йўқолиб кетди. Боз устига, иқтидорли ёшларимиздан таркиб топган кўпбўла уюшма ва тўғарлар пуллик бўлиб кетди. Дискотекалар ёпилиб, масчитлар сони оша борди. Мамлакатимизнинг у ёки бу ҳудудда ишчи ўринларининг етисмаслиги ёшларимиз бандлик ҳолатларидаги узилишларни келтириб чиқараётгани ҳам сир эмас. Ёшларимиз онгда бўшлиқ-



ХУШҲАБАРНИНГ ҚЎНОТИ БОР

Мафтунок август ойи. Одатича ишга эрта келган Баҳодир Назаров иш столига ўтириши билан жиддий тортиди. Бугун қилиниши лозим бўлган режасига назар солди. Дуппа-дурт обрўга эга бўлган бир идора раҳбарининг порахўрликка қўл ур-ганини ўйлаб кетди. Мансабдор шахс тубан кетганлигига ачинди. Шу пайт телефон жиринглаб қолди.

— Баҳодир ака, омонимиз! Сизни «Жасорат» медали билан табрик-лайман. Мустақиллигимизнинг 9 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимла-ри юртимизнинг ордени, медаллари билан тақдирланишди. Улар ораси-да Сизнинг ҳам номингизни қўриб, қувончимни ичимга сиғдиролма-дим.

— Раҳмат, раҳмат, Баҳромжон, — деди у Тошкентдан телефон қилаёт-ган укасига. Ички бир антихис унинг бутун вужудини қамаб олди. Кўп йиллик фаолияти эътиборга олинган-данд қувонди.

Ҳаши гап яхши-да. Бухоро вилоят прокуратураси иқтисодий жиноят-чилик ва коррупцияга қарши кураш бўлими бошлиғи Б.Назаровнинг «Жасорат» медали билан тақдирлан-гани ҳақидаги хушхабар Бухорога бир зумда тарқалди. Дўстлар, қавм-қариндош, ҳамкасблар табриғи, ҳаётингда бир умр ўз қолдирмаган бундай азиз дамларда яқинларинг қуршовида бўлиш, уларнинг сими-ий муносабатларини кўриш инсон э-учун бир бахт.

ОТА РОЗИ, ХУДО РОЗИ

Бухоро туманининг «Маданият»

«ТАРБИЯДА УЗИЛИШ БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК»

ДЕЙДИ БУХОРО ВИЛОЯТ ПРОКУРОРИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ, АДЛИЯ КАТТА МАСЛАХАТЧИСИ ОЛИМЖОН АСЛОНОВ

лар вужудга келиб қолиши ғоявий тарбияда талай йўқотиларга сабаб бўлишини амалда кўрдик. Ва бу сабоқни бир дақиқа ҳам унут-маслигимиз лозим.

Ҳаёт қонунларида акс этган-идек, оқибатни келтириб чиқарувчи сабаблар бўлади. Шу боис-дан ҳам айрим ёшларимизнинг турли оқимлар таъсирига тушиб қолиш сабабларини ўз нуқсонла-римиздан изласак фойдадан холи бўлмасди. Энг муҳими, ёшлар тар-бияси билан шуғулланиш, улар томонидан жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш нафақат қонун ҳи-оячилари, балки умумхалқ иши экан-лиги вужуд-вужудимизга сингиб бориши керак.

Мақкур Қарор ижросини таъ-минлаш мақсадида жойларда ўтқа-зилган текширишлар таҳлили шуни кўрсатадики, ўзибуларчилик ва ло-қайдлик қайфиятида юрган шахс-лар оз эмас экан.

Вилоят ҳокимияти қошидаги во-яга етмаганлар иши билан шуғул-

ланувчи комиссия фаолияти тек-ширилганда, мазмуан такоррла-ниб келган иш режасининг бирор банди ҳам ўтган йилда бажарилма-ган бўлса, айни йилнинг ўтган дав-рида эса биттагина банд бажарил-ган, холос! Вилоят комиссияси то-

йўлга қўйишга эришилган. Бироқ, бу ҳар бир таълим ва тарбия мас-канида тегишли ҳуқуқий-тарбия-вий ишлар кўнгилдагидек олиб бо-рилаяпти, деган гап эмас. ВЕН ва участка нозирларини махсус хиз-мат кийимида ўқув муассасалари-

ҳаракат қилаёмиш. Бу борада ви-лоят телевидениеси ва вилот «Адо-лат нури» юридик газетаси бизга яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Ёшлар ўртасида терроризм ва диний эстремизм оқимларига қар-ши кураш бўйича доимий равишда

монидан туман, шаҳар ҳокимлик-лари қошидаги воёга етмаганлар иши билан шуғулланувчи ҳайъат-ларга ҳеч қандай амалий ёрдам кўрсатилмаганига нақадар ачи-нарлидир. Ўтказилган тантанавор ҳайъат йиғилишларида ҳеч бир ҳудуд комиссия раисларининг ҳисоботи тингланмаганилиги, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик аҳо-ли умумлаштирилиб, ютук ҳамда камчиликлар хусусида на бирор вақтли матбуот ва на вилот теле-видениеси орқали ғоявий-тарбия-вий чиқишлар ўтказилмаган.

Вилоят ИИБларидаги воёга ет-маганлар иши билан шуғулланувчи нозирлар томонидан ўсмирлар ўртасидаги жиноятчиликнинг ол-дини олиш масалаларига комплекс ёндашиш, соҳага дахлдор ташки-лотлар, ўқув даргоҳлари, жамоат-чилик билан биргаликда, ёшлар ижтимоий муаммоларини ҳал этиш ва фаолиятини ошириш юзасидан тегишли дастур асосида иш олиб боришмоқда. ИИБ ВЕН нозирлари билан баҳамжиҳат талай ишлари

да тез-тез бўлиб туришларининг ўзиёқ ёшлар онгда ҳуқуқий тар-биянинг шаклланишига туртки бўлишини унутмайлик.

Вилоят «Камолот», «Маҳалла», «Соғлом авлод учун», «Болалар», «Ватанпарвар» жағғармаларининг ҳам ёшларнинг буш вақтларини са-марали ўтказиш борасида қатор ишларидан қўз юммоқчи эмасмиз. Аммо ўтказилаётган кўпгина тад-бирлар таъсирчан ғояларга асос-ланмаганилиги, фикран саёзлиги ва мунтазам эмаслиги боис ёшлар онгда узок сақланувчи эзгу туйғу-ларни шакллантирмаётир. Марказ-лаштирилган тарзда ўтказилаётган тadbирлар бундан мустасно.

Вилотимиздаги барча шаҳар ва туман прокуратуралари ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳам-корликда ёшларнинг ҳуқуқий савод-хонлигини оширишга алоҳида аҳамият бермоқдалар. Масалан, «Ўсмир ва Қонун», «Сиз қонунни биласизми?» каби қизиқарли суҳ-бат ва учрашув кечаларини ягона режа асосида ўтказиб боришга

профилактика ишлари олиб бори-лаётир. ИИБ томонидан вилот ми-қёсида ўтказилаётган огоҳланти-рувчи тadbирлар шулар жумласи-дандир.

Ўтказилган рейдлар давомида ўз фарзанди тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи 39 та ота-она-лар аниқланиб, ҳисобга олинди. Булардан ташқари 138 ўсмир ва уларнинг ота-оналари маҳалладош-лар орасида, фарзандлари ўқиш ёки ишлаш жойларида муҳокама этилиб, лозим бўлган маъмурий чоралар белгиланди.

Халқимизда «Куш уясида кўр-ганини қилади», деган ғоятда синал-ган ибора бор. Шунинг учун ҳар бир ота-она тарбияда фарзанди учун ибрат мезонига айланмоғи даркор. Тўғри, ҳар қимнинг боласи ўзига ширин. Бироқ бола тарбияси ундан-да ширин.

Мансур АЛОВИДИНОВ
«Хуқуқ» муҳбири

жамоа ҳўжалигида спорт анча ри-вожланган. Кураш бўйича жаҳон чемпиолари ҳам шу ердан чиққан. Айниқса, эркин кураш турига қизи-қиш катта. Самбо, дзю-до, юнон-рим, ўзбек миллий кураш усули-рида беллашиш катта-ю кичикнинг жону-дили. Шу боис бўлса керак, жамоа ҳўжалигида бўладиган тadb-бирларнинг бирортаси курашсиз ўтмайди.

Қаҳрамонимизнинг болалик ҳаёти ҳам шу жамоа ҳўжалигидаги Аруз қишлоғида ўтган. Аввал трак-торчилик қилган, сўнгра кўп йиллар

кўрган фильмлари балки унда бу соҳага меҳр уйғотгандир. Ёки 35 йиллик айрилиқдан сўнг отаси би-лан аммасининг учрашувига гувоҳ бўлган йиғида ҳуқуқ-тартибот идо-ралари ходимларига ҳавас уйғон-ган бўлса ҳам ажаб эмас. Ахир 1940 йилларда йўқолиб қолган аммаси-нинг отаси билан топшишида улар-нинг озмунча хизмати сингдими?

Бобомурод ака ўғли райини қайтармади. Катта умид билан унга оқ фотиҳа берди. «Ўғлим, қайси кас-бда ишламагин фақат ҳалол, ўзинг-га талабчан бўл, инсон кадр-қимма-

ноятга жазонинг муқаррарлиги таъ-минланishi лозим. Бунга эришиш-да терговнинг ўрни катта.

— У ёки бу жиной иш устидан тергов олиб борилад экан, инсон тақдир, кадр-қимматини асло унут-маслик лозим, — дейди Баҳодир Назаров. — Ахир кўп қатори ўша гумондорнинг ҳам олмаси, фарзан-длари, ёр-дўстлари, қавм-қарин-додлари бор. Терговчи эътибори-дан бирон бир жиҳат, далил четда қолиши мумкин эмас. Бир қарорга келиб ишчи суд муҳокамасига оши-ришдан олдин гувоҳлик кўрсатма-

ги нопокликларга қарши кураш жа-равени осон, енгил кўчадиган иш эмас. Бу фаолият ходимларни пи-штади, бўшанларни чинқитиради, масъулиятга ундайди, ҳалолликка, адолатга хизмат қилишга қорлай-ди. Давлат, халқ, инсон дардини тушунишга, уларга бефарқ бўлмас-ликка ўргатади.

Ўтган йилнинг охирида рўй бер-ган ҳодиса Б.Назаровнинг бурнга содиқлик. Ватанга садоқат туйғула-рини яна бир бор синовдан ўтказди. Хизмат сафаридан қайтган Ба-ҳодир эски «Пролетаробод» кўрго-

ҲАҚИКАТ ЮМШОҚ БЎЛМАЙДИ

пахтачилик бригадасини бошқар-ган Бобомурод ака тўнгичи Бахо-дирга бошқача меҳр қўйди. Унинг спортга қизиқиши отага завқ ба-ғишларди.

Тинимсиз машғулотлар, танлан-ган спорт турига ҳурмат Баҳодирга бир қатор муваффақиятлар олиб келди. У вилот, Республика миқё-сидаги мусобақаларда иштирок этиб, мураббийлари ишончини қозонди. Спорт устаси даражасига етди.

Умидсиз киши лангарсиз кема кабиدير. Бундайлар ҳаёт уммони-да бемақсад, иштиёксиз, бир ма-ромда беозор яшашга ҳаракат қила-ди. Баҳодир эса аксинча, унинг қал-бини катта орузлар, чексиз режа-лар қуришб олган эди. Мустақил ҳаётга қадам қўйишга шайланар экан, ўзига муносиб касбини танлаб, одамлар қорига кўпроқ ярашини ният қилди. Она юрт, халқ учун кўпроқ нафти тегадиган соҳада ишлашни лозим топди. Ававалига геолог бўлиш орузи билан яшади. Мураббийла-ри эса ундан катта спортчи қи-шига умид боғлашди. Ўрта мактаб-ни тугатган Баҳодирнинг ўзи ҳаёт йўлини қатъий танлади. Отасига бор гапни айтди: «Юртим бўлишга аҳд қилдим, отажон. Оқ йўл тиласангиз Тошкентда ўқимокчи эдим».

Ярим тунгача детектив асарлар-ни мугоала қилиши, прокуратура, милиция ходимларининг машаққат-ли фаолияти тўрисида берилиб

тини жойига қўй. Ана шунда ҳеч қачон кам бўлмайсан», деди. Ота наҳсида Баҳодир қалбидида бир умр муҳрланиб қолди.

ҚАЛБГА ҚУЛОҚ ТУТИБ

Ўқиниши тугатиб қайтган Бахо-дирнинг таржимаи ҳолига: «Пешку туман прокурорининг ёрдамчиси» сатрлари битилди. Сўнгра Когон туманларо прокурорининг катта ёрдамчиси, туманларо прокура-тура катта терговчиси, вилот про-куратурасининг алоҳида муҳим иш-лар бўйича терговчиси, катта кри-миналист-прокурор лавозимларида ишлади. У қарда фаолият кўрсат-масин ўзининг қатъийлиги, талаб-чанлиги, топширилган иш учун масъ-улиятни чуқур хис этиши билан аъ-ралиб турди. Фақат инсонни севиш орқалигина адолатпарвар бўлиш мумкинлигини англади.

Кўп йиллик фаолияти давомида Баҳодир Назаров турли табиати одамлар билан рўбарў келди. Бир-бирига ўхшамайдиган жиной иш-ларни тергов қилди. У майда ўғир-ликка ҳам, давлат аҳамиятига мо-лик қонунбузарликка ҳам жиддий муносабатда бўлди. Чунки ҳар қан-дай вазиятда ҳам қонун бузилган, жиноят содир этилган. Демак, жи-

лари, гумондор билан бўлган сўро-лар албатта таҳлил этилиши шарт. Шунингдек, терговчи айблов дара-жасини тўғри белгиласин, жиноятга қўл урган инсонга жазо белгилашда ички бир ишончга, қалбига ҳам қулоқ тутсин. Токи унинг виждони, бурч масъулияти олдида юзи ёруғ бўлсин. Гуноҳсизни жазога маҳкум этиш-дан Аллоҳнинг ўзи асрасин. Бурга садоқат эса инсон характерининг гултоҳидир.

ҲАЁТ СИНОВЛАРДАН ИБОРАТ

Когон шаҳрида истикомат қил-маган А.Ионин ва Шомил Кузахмедов иши бўйича кўзгатилган жиной иш Б.Назаров хотирасида муҳрланиб қолган. Тумандаги «Улустон» жа-моа ҳўжалигининг чўл ҳудудидан топилган бу шахсларнинг жасади тезкор гуруҳни оёққа тургазди. Жа-садлар шахси маълум эмас. Шу ўринда терговчининг синчковлиги, маҳорати, сезгирлиги қўл келади. Ш.Кузахмедов қўнғатидан топилган маълумотнома қозғош ҳамда жасад-лар ўралган чойшаб ёрдамида жи-ноят изларини аниқлайди. Қотил айбига иқдор бўлади, фожиа рашк орқасидан келиб чиққанлиги ойдин-лашади.

Жиноятчиликка, турмушимизда-

нини кесиб ўтган темир йўлга яқин-лашган, тезликни пасайтирди. Чи-роқ ёруғида «Жигули»нинг олд то-монига автоматни ушлаганда бир йигит турарди. «Йигит. Автомат». Баҳодирнинг юраги ниманидир сез-ди. Ҳаётини ҳаф остига қўйиб бўлса ҳам жиноятчи томон дадил борди. Содир этилиши муқаррар бўлган катта ҳафни бартараф этиш йўлидаги заҳмат хушёрликига эмас, балки жасорат ҳам эди.

Ёзнинг сўнги оқшомларидан бири. Дилхаш чекралар, тўқинлик Назаровлар файзли хонадони дастурхонига чирой бахш этган. Гул-зордаги анвойи гуллар, райхон хиди димоқни китиклайди. Бухоро вилот прокуратураси иқтисодий жино-ятчилик ва коррупцияга қарши ку-раш бўлими бошлиғи ўз оиласи, азиз ота-онаси даврасида. Дарвоза қўнғироти жиринглаб, ҳовлига бир гуруҳ дўстлар, ҳамкасблар кириб келишди. Дўстлар дийдори, эзгу-лик, савмият инсон қалбини тоғ-дек кутаради.

— Адолатни ҳимоя этиш улуг иш, — дейди Баҳодирнинг устози, вилот прокуратураси ходими, адлия маслаҳатчиси Саид Шодиев. — Шо-ғирдим ҳаммаша ҳақиқатга интила-ди, касбини севади, адолатсизлик-ка қўксини қалқон қилади. Ҳукумат мукофоти унинг меҳнатлариға бе-рилган муносиб баҳодир.

Валижон ЮСУПОВ,
журналист

МУАММО, МУЛОҲАЗА, МУҲОКАМА

Бозор иқтисодиётига ўтилиши одамларни уйқудан уйғотди. Фафлат уйқусидан уйғониб, хонадон рўзгорини бекаму кўст қилишга интилган киши борки, фақат маошга қаноат қилмай, нима биландир машгул. Бироқ, дам олиш кунини нималигини билмай, эру хотин, ишласалар-да, фарзандларига китоб олиб беролмайдиган хонадонлар ҳам йўқ эмас. Баъзи ота-оналар «дарслик олиб беринг» деб хиқиллаётган ўқувчи боласига «Дарсликни ўртоғингдан олиб турарсан», деб пулни бошқа заруратларга сарфлайди. Махбубахон Усмонова бева, ёлғиз ўзи уч фарзандни тарбияляпти. Турмуш ўртоғи Умаржон Исмолов тўрт йил аввал Фарғона иссиқлик-электр марказида, иш жойида вафот этган эди.

— Катта ўғлим Ортиғали 9-синфда, ўртанам Жаҳонгир 8-синфда, Фарғона шаҳридаги 14-мактабда ўқишади, — дейди Махбубахон. — Кичкина ўғлим ҳовлимизга яқин Бешболадаги 33-мактабда, бу йил учинчи синфга борди. Дарсликларни тўлиқ оёролганим йўқ. Ортиғалига бешта дарслик етишмайди. Жаҳонгирнинг Адабиёт билан Информатика китоби бор, холос. Учунчи синфдаги ўғлим Давлатжонга ўқитувчилари ўтган йиллардаги синфлардан қолган «ўқиш», «она тили», мате-

қалай мактабларнинг бирон-бир корига яраши кўзда тутиляпти. Бироқ, булар дарслик муаммосини тўла ҳал этолмайди. Дарсликлар нархи, масалан, 5-синф учун «Жаҳон тарихи» дарслиги айрим хусусий китоб дўконларида, воситачилар қўлида 900-1000 сўмга кўтарилиб кетаяпти.

— Ўқув йили бошида хусусий фирмалар, жумладан, Бувайда туманидаги Муроджон Шерматов фирмаси 115 номда 23 миллион сўмлик дарсликлари нархига 25 фоиз чегирмаси билан келтириб, мактаб-

«ТИРИКЧИЛКДАН ОРТТИРОЛМАЯПМИЗ»

матика китобларини беришган. Титилиб кетган бўлсаям, ҳарна ишлятапти. Нефтяводнинг санаторийсида ҳамшира-санитар бўлиб ишлайман. Маошим уч ярим минг эди, ҳозир беш минг бўлди. Болаларимга ижтимоий-таъминот бўлими дадалари учун ўн уч минг тўлаб туради. Дафтар-қаламларини оёраман-у, дарсликка орттиролмаяман. Жаҳонгирга 21 та, Ортиғалига 21 та, Давлатжонга 9 та дарслик керак экан.

— Кам таъминланган оилаларга мактаб фондидан китоб тарқатиб бераёلمиз, — дейди Фарғона шаҳридаги 14-урта мактаб директори Адолатхон Худойбердиева. — Ҳозир 1-7-синфлар тўлиқ лотин алифбосига ўтказилган. Янги программа бўйича дарсликлар билан 67 фоизга таъминланганмиз.

1-синфларга Президентимиз томонидан ажратилган китоблар 100 фоиз тарқатилган. Эски кирилл алифбосидаги 8-11-синфларда китоблар 80 фоиз бор. Кам таъминланган оилаларга мактаб фондидан тарқатяпмиз, лекин ўртаҳол оилаларнинг болаларига дарсликлар етишмайди. Қиммат деб олиб беришмайди. Ота-оналар мажлислари ўтказилиб, дарсликлар учун фонд тузишга мажбур бўляпмиз. Бадавлат хонадонлар ҳомийликини зиммаларга олишяпти. Шунингдек, мактабимизни битириб, ҳозир турли фирмаларда бошлик бўлиб ишлаётган собиқ ўқувчиларимизга ҳам ёрдам сўраб муурожаат қилаёلمиз. Ёрдам сўраб, банкларга хат билан чиққанимиздан кейин дарсликлар учун маблағ ажратилди.

Дарвоқе, халқ таълими ислохотлари дастурига мувофиқ, ҳозир ҳар бир мактабда банкда ўз ҳисоб рақамига эга. Бюджетдан бу ҳисоб рақамига маош учун маблағ ажратилган. Бундан ташқари, махсус ҳисоб рақамлари очилиб, хўжалик фаолиятдан, ҳомийлардан маблағлар тушириляпти. Чунончи, 14-урта мактаб вулканизация (баллонларни ямаш) устаконаси, дори-дармонлар дўкони очди. Бизнес-режа бўйича спорт залини, компьютерларни ижарага берапти. Бундан тушган маблағлар ҳар

ларга сотди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармасининг дарсликлар ва мактаб хужжатлари билан таъминлаш бўйича назоратчиси Хадичахон Ниёзова. — Шунинг ҳисобига туманда мактаблар дарслик билан 85 фоизга таъминланди.

Ҳ. Ниёзованинг таъкидлашича, мактабларга яна жами 1 миллион 897 минг донда дарслик етказиб берилиши керак.

Янги тартиб бўйича ҳозир барча дарсликлар «Ўздавкитобсавдоттаъминот» ҳиссадорлик жамияти томонидан тақсимланмокда. Ҳ. Ниёзованинг гапига қараганда, ушбу жамият хусусий китоб дўконларига 25 фоиз ўрнатишга 8 фоиз чегирма билан дарсликлар бераёпти. Хусусий дўконларга бу мақбул келмай китоб келтиришмаяпти. «Ўздавкитобсавдоттаъминот» ҳиссадорлик жамиятига қарашли дўконларга эса 15 фоиз чегирма билан дарсликлар берилмокда.

Балки, бу тadbирнинг фойдали жиҳатлари бордир. У дарслик камомати сезилиб турган пайтда аниқ ҳисоб-китобларга ёрдам беради.

Дарсликлар, айниқса бошланғич синфларга тааллуқли дарсликлар оппоқ қоғозларга расм ва суратлар, безаклар билан, янги алифбода юқори савияда босилаётган кувонтиради кишини. Эҳтимол, импорт қоғозлар қимматдир. Бошқа харажатлар ҳам оз эмасдир. Бироқ замонавий технология тизимларида фойдаланилса, дарсликлар таннархи арзонлашмайдимиз? Ахир икки-уч баробар қалинроқ, оппоқ қоғозда босилган бадиий асарлар сотувда дарсликлардан арзон нархда турибди-ку?

Дарсликлар нарх-навоини белгилашда аҳоли харид қувватини ҳам ҳисобга олиш зарур эмасми?

Фарғона вилояти ҳокимлиги бюджетдан дарсликлар учун яна 75 миллион сўм излаб топди. Бироқ бу ҳар ўқув йили бошида кўндаланг бўладиган муаммони тўла ҳал қила олмайди.

Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Хуқуқ» мухбири

«ХУҚУҚ»ҚА ЖАВОБ

ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛГАН

Булоқбоши тумани прокуратураси томонидан фуқаро Омадхон Мадярованинг «Хуқуқ» газетаси таҳририятига ёзган аризаси юзасидан текшириш ўтказилди.

Текшириш давомида ҳақиқатда фуқаро Зулхумор Шомирсалиева фуқароларни алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан 1999 йил май ойида Булоқбоши қишлоғида яшовчи Омадхон Мадярованинг уйига бориб, унинг 180000 сўмлик тилла тақинчқларини сотиб беришини айтади ва тақинчқларни бозорда номаълум шахсларга сотиб, пулини ўз эhtiёжи учун ишлатиб юборади.

Ушбу ҳолат бўйича Булоқбоши туман ички ишлар бўлими терговчиси А.Чалабоев томонидан фуқаро З.Шомирсалиевага нисбатан 1999 йил 27 октябрь кунини ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми «а», «б» бандлари билан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилган. Жиноят иши 2000 йил 9 март кунини Булоқбоши туман судида қўриб чиқилиб, судланувчи З.Шомирсалиева мол-мулки мусодара қилинган ҳолда 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Суд ҳукмида 4 нафар фуқарога етказилган жами 352600 сўм миқдоридagi зарар З.Шомирсалиева ҳисобидан қопланиши кўрсатилган.

Суд тергови жараёнида ариза муаллифи О.Мадярованинг онаси Б.Аббарова Д.Мамадалиеванинг уйига бориб, унинг қарзи бўлмаса-да, мулкни ўзбошимчалик билан эгаллаганилиги учун ЖКнинг 229-моддаси билан жиноят иши кўзгатилиб, Аммо тергов тугалланмасдан туриб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 28 августда «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 9 йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида»ги Фармони чиқиши муносабати билан Фармоннинг 1-моддаси «б» бандига асосан жиноят иши ҳаракатдан тугатилиб Б.Аббарова жавобгарликдан озод этилган.

Текшириш давомида О.Мадярова билан З.Шомирсалиева ўртасидagi олди-берди ишларида Д.Мамадалиеванинг айби йўқлиги аниқланди.

К.ЎРУНОВ,

Булоқбоши тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси

МУШОҲАДА

Сир эмаски, ҳар бир жамият маънавий ва ахлоқий жиҳатдан соғлом оиладан ғоятда манфаатдор бўлади. Шу сабабли, ёшларни оила қуришга тайёрлашга, оилавий ҳуқуқларини билишга ҳамда ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишларига яқиндан ёрдам бериш лозим.

Маълумки, оила ҳуқуқи эр-хотинлар, ота-оналар ва болалар, шунингдек, оиланинг бошқа аъзолари ўртасидagi шахсий ҳамда мулкий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар тизими ҳисобланади. Лекин шундай бўлса-да, оилавий муносабатларнинг барчаси ҳам бу ҳуқуқ томонидан тартибга солинмайди. Уларнинг айримлари ахлоқий, руҳий тусда бўлиб, ўз моҳиятига қўра бу муносабатларнинг айримларини ҳуқуқ йўли билан тартибга солиб бўлмайди. Масалан, эр-хотинни бир-бирини севишга ҳуқуқий меъёрлар воситасида мажбур қилиб бўлмайди. Шу сабабли, ёшларни оила қуришга тайёрлашда ҳуқуқий онг билан биргаликда маънавий онг тушунчасига ҳам алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади.

ОИЛА ВА ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ

Бугунги кунда маънавий юксакликка эришиш давлатимизнинг устувор мақсадларидан бирига айланган. Маънавий юксаклик ҳақида фикр юритадиган бўлсак, унинг замирида оила тарбияси алоҳида маънаво эга эканлигини кўриш мумкин. Чунки, тарбия, аввало оиладан бошланади, боладаги одоб-ахлоқ, дунёқараш куртаклари илк бор шу муқаддас даргоҳда ниш уради. Инсоннинг келажада қандай одам бўлиб етишиши, энг аввало унинг ёшлигидан қамол топган маънавиятига боғлиқ эканлиги сир эмас.

Маънавият етарли даражада ривожланмаган бўлса, инсон ҳаётини масалаларини ҳал этишда ҳаттоликларга йўл қўяди. Айниқса, ёшлар ўрта мактабни битириб, келгуси фаолиятларини танлашда ихтилоланиб қоладилар. Бирон-бир касб танлашда, ўқишни давом эттиришда ўзининг ихтидори, қобилиятини ҳисобга олиш ўрнига, кимдaги таклид қилиб ёки сердармондек қўринган соҳаларга ўзларини урадилар.

«Бозор иқтисодиёти деб инсон маънавиятини унуттиш гуноҳ бўлади. Нуқул пул ва фойда кетидан қувса-да, аммо одамларимиз руҳан қашшоқ бўлиб қолишса — бундай жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўқ», деган эди Президентимиз Ислам Қаримов. Ҳозирги кунда эса мафкура ва маънавият масалаларига эътибор ҳар қачонгидан ҳам қучайтирилган. Негаки, давлатимизнинг эртанги кунини, халқимизнинг келажаги бугун қамол топаётган ёш авлодга боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Бугунги кунда катта аҳамият берилаётган масалалардан яна бири оиланинг жамиятда тутган ўрни ва маънави янада юксалтириш масаласидир. Шундай экан, оилани биринчи навбатда соғлом тарбия негизига айлантириш даркор. Қолаверса, оила нафаҳат маъ-

навий тарбия ўчоғига, балки спорт, маданият, мафкура, қисқаси, инсон ахлоқий меъёрларининг барчасини ўзида қамраб оладиган ва ёшлар онгига сингдиришга қодир бўлган муҳит даражасига кўтарилиши керак.

Оила, маҳалла кўмиталари ва вакифаларни амалга оширишда ҳақиқий ҳамкорлик асосида иш олиб боришни йўлга қўйишлари лозим. Маҳалла кўмиталари ёшларни қизиқтирадиган ва уларнинг онгига тез сингдиган маънавий қадриятларимизни оммалаштиришда жонбозлик кўрсатишлари жоиз. Шу ўринда бир нарсани ёдда тутиш керакки, маҳалла кўмиталари ва жамоат ташкилотларининг оилага ўз таъсирини ўтказса олишлари ҳам ижобий натижалар беради.

Бугун биз қундалик ташвишлар билан ўралашиб қолиб, ёшларни ахлоқ-одобли, сарбардошли, қийинчиликларга чидамли, мустақил фикрли бўлишга ўргатишдан бироз йироқлашиб кетганлигимизни аччиқ ҳақиқат.

Оилангизда соғлом, ширин-шакар болалар туғилди. Улар тимсолида сиз бегубор болагингизни, ёшлигингизни, ҳаётингиз давомидакини кўрасиз. Гард қўқтирмай униб-ўстираётган нихолингиз меvasидан баҳраманд бўлишни оруз қиласиз. Ана шундай ширин ҳаёллар оғушида бўлгангизда унутмангки, унинг меvasи нечоғли ширин ёки тахир бўлиши сизнинг болангизга бўлаётган бугунги муносабатингизга боғлиқ. Шундай экан, фарзандингизнинг ҳар томонлама етук инсон бўлиб етишиши учун қўйилган соғлом ва юксак маънавиятга асосланган пойдевор ҳар жиҳатдан бақувват бўлиши учун ҳозирда ноқ' ҳаракат қилинг.

Собир ПАРМОНОВ,

2 - Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳининг катта ўқитувчиси

ХАЛҚАРО ХАЁТ

ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР ШАРҲЛАР

ДУДАЕВ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Грузия ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан бандитизмда айбланган ичкериялик Марик Дудаев қўлга олинган.

Дудаев томонидан ташкил этилган жиноий гуруҳ 90- йилларда ва охириги йиллардаги грузин-осетин низоларида фаол қатнашиб, хунрезликлар содир этган. Марик Дудаев маҳаллий аҳоли вакиллари билан бирини ўзаро низо туфайли ўлдирганлиги учун қўлга олинган ва жанжал вақтида унинг ўзи ҳам жароҳатланганлиги учун касалхонага ётқизилган.

РОССИЯЛИК ҲУҚУҚ МУҲОFAЗАЧИЛАРИНИНГ МАОШИ ОШДИ

Россия Федерацияси президенти Владимир Путиннинг махсус фармони билан мажбурият ҳуқуқ-тартибот, суд ва прокуратура идоралари ходимларининг иш ҳақлари 1,2 бараварга оширилди.

Президент матбуот хизматининг хабар беришича, мазкур фармон ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг моддий аҳолини яхшилаш ва одил судлов мустақиллигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган.



ЧЕРНОБИЛЬ АЭСИ ЁПИЛАДИ

Украина ҳукумати вакили Юрий Ехануров Будапештда ўтказилган расмий анжуманлардан бирида Чернобиль АЭСи шу йилнинг 15 декабрида ёпилишини маълум қилди.

Ю. Ехануров «оламшумул воқеа» деб таърифлаган Чернобиль АЭСининг ёпилиши натижасида мамлакат мавжуд электр энергиясининг 7 фоизидан ажраладиган бўлди. Станциянинг ёпилишига кетадиган харажатлар миқдори эса 600 млн. Еврони ташкил этади.



ҲАҚИҚАТГА ЯҚИН ТАХМИН

«Курск» халқаро фондининг ташкил этилиши муносабати билан Гаагада ўтказилган матбуот конференциясида Баренц денгизиде фарк бўлган «Курск» атом су-восту кемасининг олд қисми тасвирланган видеоёзув намойиш этилди.

Мазкур лавҳалар «Академик Мстислав Келдиш» илмий-тадқиқот кемаси томонидан суратга олинган ва шу пайтгача ошқор этилмаган эди. Намойиш этилган кадрлар россиялик ҳарбийлар илгари суратлаган таҳминларга ҳақиқатан тўғри келишига анжуман иштирокчилари ҳам иқдор бўлдилар. Маълумки, рус ҳарбийларининг аксарияти «Курск»нинг ҳалокатга учрашига унинг сувосту ёки сувосту кемаси билан бўлган тўқнашуви сабаб бўлган деган фикрда. Кема ҳалокати сабабларини текшираётган комиссия мутахассислари ҳам мазкур таҳминни ҳақиқатга яқинроқ деб ҳисобламқдалар.

ТОҒ ЙЎЛИДАГИ ҲАЛОКАТ

Боливияда йўловчи автобусининг 250 метрлик чуқурликка тушиб кетиши оқибатида 16 киши ҳалок бўлди ва 33 киши оғир жароҳатланди деб хабар беради «Новости» ахборот агентлиги. Ҳалокат мамлакат пойтахтидан 90 км. узоқликдаги тоғ йўлида юз берган.

Ҳайдовчининг кўрсатмасига қараганда, мазкур фожеа машина йилдирагининг йўлдаги чуқурчага тушиб кетиб, бошқарув издан чиққанлиги натижасида содир бўлган. Ла-Пас ва Каранави шаҳарларини боғлаб турган бу трасса бундан 60 йил муқаддам ишга туширилган ва шу пайтгача бирон марта ҳам таъмирланмаган экан.

САМАРАСИЗ МУЗОКАРАЛАР

Яқин Шарқдаги бекарорликни бартараф этиш мақсадида таникли сиёсатчилар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари томонидан ўтказилаётган шошилинч учрашувлар, телефондаги мулоқотлар ҳозиргача ҳеч қандай амалий натижа бергани йўқ ва низоларни дипломатик йўл билан ҳал этишининг имкони бўлмапти.

Ўтган яшанба кuni эса ана шундай натижасиз учрашувлардан бири Фаластин хавфсизлик кучлари раҳбари Абдул Розик Мажид ва Исроилнинг жанубий қўшинлари кўмондони Йом Тов Самии ўртасида бўлиб ўтди. Фаластин томони мазкур учрашувни қисқача қилиб, «беҳуда вақт сарфланди» деб таърифлади.

Исроил ташқи ишлар вазири Шломо Бен Амнинг Москвага қиладиган расмий ташрифи кечиктирилди. Бунга мамлакатдаги энг йирик партиялардан бири «Ликуд» тарафдорларининг парламентга муддатидан илгари сайлов ўтказилишини талаб қилиб чиқарганлиги сабаб қилиб кўрсатилмоқда.



ТИНЧ ОСМОН ОСТИДА 500 ЙИЛ

Швейцария фуқароларининг аксарияти бюджетдан қўролли кучлар учун ажратиладиган маблағ миқдорини камайтириш талаби билан чиқмоқдалар. Мазкур ғояни сўл сиёсий ҳаракат вакиллари ҳам қизғин қўллаб-қувватламоқда. Ҳаракат тарафдорларининг сўзларига қараганда, маблағларни сарфлашда мамлакат армияси тежамкорлик ҳақида умуман ўйламайди ва бу борада дунёдаги етакчи давлатлар каторида туради.

Ҳукумат аъзолари ҳам халқнинг ҳақли талабини тушуниб етган шекилли, армия таркибидеги аскар ва зобитлар сонини қисқартириш ҳусусида ҳозирда бош қотирмоқда. Армияга ажратилаётган маблағларни қисқартириш ҳақида эса бирон-бир тўхтама қелинган йўқ. Негаки, бу мақсад учун бюджет маблағларининг камайтирилиши армиянинг жанговор қўбониятини сусайишига олиб келаркан. Мамлакат аҳолисининг ҳар учдан иккиси ҳукуматнинг бу фикрига ҳам қўшилган ва армия учун ҳар йили уч миллиард доллар ажратилишини зарурат деб ҳисоблаган.

Шарҳловчиларнинг фикрига кўра, Швейцария ҳамон тинчликни ҳурмат қиладиган етакчи давлатлардан бири сифатида эътироф этилмоқда ва мамлакат армияси қарийб 500 йилдан бери жангловор ҳаракатларда иштирок этгани йўқ.

ЖОСУС ЖАЗОЛАНИШ АРАФАСИДА

Япония денгиз кучларининг собиқ зобити Токио судида пул эвазига ҳарбий сирларни россиялик ҳарбий атташега етказиб турганлигига иқдор бўлди.

Айбловчиларнинг таъкидлашларича, Сизгиро Хагисаки бир неча йил давомида 170 га яқин махфий маълумотларни ўғирлашга муваффақ бўлган ва уларнинг аксарияти Япониядаги Америка ҳарбий базасининг жангловор тактикаси билан боғлиқ ҳужжатлар бўлган. Хагисаки Токио ресторонларида россиялик атташе Виктор Боготенков билан жуда кўп марта уч-


рашган ва нақд пул эвазига маълумотларни унга бериб турган.

Хагисаки Япония хавфсизлик кучлари томонидан қўлга олинган ҳамда В.Боготенков дипломатия ҳуқуқидан фойдаланиб, бу ишдан ўзини четга олган ва зудлик билан кунчиқар мамлакатдан чиқиб кетган.

Япон қонунларида кўра жо-суслик жиноятида айбланётган Хагисаки бир йил қамок жазосига ҳукми қилиниши ёки 30 минг иен (280 доллар) миқдорда жазога тўлашга тортилиши мумкин.

БРАЗИЛИЯ ФУТБОЛИДА КОРРУПЦИЯ

Бразилия конгрессининг спортдаги коррупция билан шугулланувчи махсус комиссияси миллий жамоа ўйинчилари ва собиқ бош мураббийнинг 1998 йилдаги жаҳон чемпионати ўйинларидаги бразилияликларнинг муваффақиятсизликлари билан боғлиқ кўрсатмаларини тингламоқда.



Маълумки, асримизнинг охириги чемпионатида францияликлар Бразилия терма жамоасини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учрати-тиб, кубок соҳиби бўлган эдилар. Ўшандан буён Пеленинг юртида бундай шарманда-ли мағлубий сабабларини ўрганиши жараёни ҳамон якунлангани йўқ.

Конгресс аъзолари футболдаги муваф-

фақиятсизлик сабаби NIKE фирмаси билан имзоланган кўп миллионли шартномага боғлиқ эмасмикан, деган саволга жавоб топишга ҳаракат қияптилар. Негаки, ўн йиллик шартнома шартига мувофиқ бразилияликлар олдиндан маълум қилинган ўйинчиларни майдонга тушириш мажбуриятини олган экан. Бу нарса эса мураббийлар ва футбол менежерларини қайси ўйинда қайси ўйинчини майдонга тушириш ҳуқуқидан маҳрум этган ва бу нарса чемпионатнинг финал босқичида Бразилия терма жамоасига қимматга тушган. Ўшанда жамоанинг асосий ҳужумчиси Рональдонинг жуда ҳориганлиги ва унинг яхши ўйин кўрсата олмаслиги очик-ойдин қўрилиб турган бўлса-да, юқоридаги шартномага мувофиқ мураббийлар уни майдонга туширишга мажбур бўлган эдилар.


БОЛҚОНДА УРУШ ХАВФИ

Югославия президенти Воислав Коштуница Венада қилган чиқишида НАТО ва БМТни Сербия ҳамда Косова чегара ҳудудларида сербиялик полициячиларнинг албан жангарилари томонидан ўлдирлиш ҳолатларига чек қўйишга чақирган.

Коштуницаниннг сўзларига қараганда кейинги вақтда Косово ҳудудида серб полициячилари билан албан сепаратистлари ўртасида юз бераётган тўқнашувлар анча кескинлашмоқда. Бу ҳолдан маҳаллий аҳоли ҳам ташвишга тушган ва низоларнинг қонли тўқнашувларга айланиб кетишидан хавфсираб, нисбатан тинчроқ ҳудудларга кўчиш тараддудига тушганлар.

Президент Коштуница НАТО бош қотиби Жорж Робертсон ва БМТ Бош қотиби Кофи Аннанга йўллаган мактубида юқоридаги ҳолатлар ҳақида маълум қилиб, Болқонда яна уруш олови алангаланишидан ташвишда эканлигини билдирган.

KROSSVORD



Энига: 1. Республикамиздаги сиёсий партия. 3. Ҳиндистондаги шаҳар. 8. Замондошимиз, адабиётчи олим. 9. Ширинлик тури. 11. «...кирди, амал кирди» (мақолдан). 13. А.Ориповнинг ҳажвий асари. 16. Табиий фаввора. 19. Сувда ва қуруқликда яшовчи жонивор. 22. Мевасиз дарахт. 23. Муқимийнинг ҳажвий шеъри. 24. Республикамиз ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўртасида ўтказиладиган спорт мусобақаси. 27. Жиззах вилоятидаги туман. 31. Қитъа. 34. Танбех. 35. Мумтоз адабиётимиздаги шеърӣ жанр. 36. Ғ.Ғулом асари. 37. ... Денев (француз актрисаси). 38. Фойдали қазилма. Бўйига: 2. Навоий вилоятидаги қўрғон. 4. Ноаниқ. 5. Ўзбек миллий қаҳрамонлик эпоси. 6. Автомобиль учун «уй». 7. Европадаги давлат. 10. Тўлкин тўтувчи қурилма. 12. Мусулмонларнинг муқаддас шаҳри. 14. Вақт бирлиги. 15. Кийик, жайрон. 17. Шамоллашга қарши ишлатиладиган энг универсал дори. 18. Гул тури. 20. Муқаддас ой. 21. Болаларнинг севимли қаҳрамони. 24. Қобилият. 25. Истақ. 26. Ном. 28. Касаллик. 29. Айрим мамлакатлардаги қонун чиқарувчи орган. 30. Ийртқич хайвон. 31. Ўғил болалар исми. 32. С. Сталлоне иштирок этган фильмлардан бири. 37. Туркиядаги шаҳар.

Тузувчи: Л.НОРКУЛОВ

Газетанинг ўтган сониди берилган кроссворд жавоблари:

ЭНИГА: 1. Боғишмол. 4. «Зафарнома». 9. Маузер. 11. Анаконда. 13. Айдарқул. 15. Тонг. 17. Жабр. 19. Ашула. 21. Россия. 22. Зилола. 24. Остона. 26. Сўли. 27. Марс. 28. Девкомат. 31. «Қўрача». 33. Исфара. 34. Ирисметов. 35. Краснодар. БҒИГА: 1. Бинафша. 2. Илик. 3. Олма. 5. Арпа. 6. Наср. 7. Асалари. 8. «Анат». 10. Одер. 12. Абдуллаев. 14. Кроссовка. 16. «Нихол». 18. Афина. 20. Асл. 21. Рус. 22. Залдори. 23. Астма. 24. Осака. 25. Алхазар. 29. Карс. 30. «Тик». 31. Каср. 32. Рибо.

КИМ ОШАД

Ўтган шанба кuni Жакартада охириги эллик йил ичидаги энг йирик кимшоиди савдоси ўтказилди. Харидорлар эътиборига ҳавола этилган картиналар орасида Пабло Пикассо, Ван Гог ва Ренуар каби машҳур мўйқалам соҳибларининг асарлари билан бир қаторда индонезиялик таниқли рассом Афандининг ишларини ҳам ўратиб мумкин эди.

АСРИМИЗНИНГ СЎНГИ АУКЦИОНИ

Олти ой давомиди тайёргарлик қўрилган мазкур кимшоиди савдоси шаҳардаги энг ҳашаматли «Paradis» меҳмонхонасининг асосий залида уюштирилди.

Сотувага қўйилган картиналарнинг дастлабки баҳоси 4 минг доллардан 2,5 млн. долларгача белгиланган эди. Лекин ақсарият харидорлар картиналарни сотиб олишни унчалик ҳушламадилар. Сабаби, айрим ишларнинг қалбаки ёки асл нусха эканлигини тасдиқловчи бирон-бир манба ҳавола этилмаган.

Яқин кунлар ичида эса барча картиналар Амстердамга олиб кетилади ва махсус жиҳозлар ёрдамида уларнинг сохта ёки сохта эмаслиги аниқланади.

ДИҚҚАТ, ҚИДИРУВ

ОНА ФАРЗАНДЛАРИНИ ҚИДИРМОҚДА...

Сурхондарё вилоятининг Сариев ва Узун туманларида бир гуруҳ террорчилар томонидан содир этилган воқеалар оқибатида жабр чеकканлар ҳақида яқинда бўлиб ўтган суд жараянлари орқали батафсил билиб олинди. У ердаги аҳолининг нотинчлигига сабаб бўлган ватанфуршлар ҳақи равишда халқнинг нафратига учрамоқдалар. Узун тумани Киштут кишлоғида яшаб келган Ғулиой Ҳайиталиева жабр чекаётганлардан. Унинг икки нафар фарзанди ҳарбий операциялар вақтида бедарак йўқолди. Она йўқолган фарзандларини қидирмоқда...

— Турмуш ўртоғим эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жинояти учун жавобгарликка тортилиб, жазо ўтамоқда. Ўзим уч нафар фарзандим билан Киштут кишлоғидаги эримнинг ҳовли-жойида яшаб келдим. Шу йил сентябрь ойида касаллигим оқибатида туман шифонасида ётишга мажбур бўлдим. Қизим Максуда ҳам мен билан бирга эди. Кишлоқдаги уйимизда икки нафар (бир ўғил ва бир қиз) фарзандим қаровсиз қолганди. Мен касалхонада ётганим боис уларнинг қаерга қўйрилганлигини билолмадим. Маълум бўлишча, ҳукуматимиз томонидан у ердаги аҳоли, шу жумладан, менинг фарзандларим ҳам бехатар жойга қўйрилган экан. Лекин фарзандларимни Узун туманидаги вақтинчалик манзилгоҳлардан тополмадим. Узун тумани ички ишлар бўлимида фарзандларим Тошкент шаҳридаги меҳрибонлик уйларидадан бирига жойлаштирилганини билдирди. Икки ойидики, фарзандларимни соғ-омон эканлигини билолмай турибман.

Тошкентга менга ёрдам бера оладиган яхши инсонлар борлигидан умид қилиб келдим. Сиз, аэкилардан илтимос қиламан, қимда-қим менинг фарзандларим ҳақида бирон-бир маълумотга эга бўлса Сурхондарё вилояти Узун тумани прокуратураси, ички ишлар бўлимига ёки ушбу газета таҳририятига билдиришларини сўрайман. Фарзандларим ҳақидаги қуйидаги маълумотларни келтириб ўтмоқчиман:

Ўғлим, Сафаров Фаррух Норкулович 1989 йил 23 ноябрда туғилган, ўртача бўйли, ўнг қошининг юқорисиди чангиги бор, ўз фамилияси, яшаб жойи-манзилгоҳини яхши эслайди.

Қизим, Сафарова Фарангиз Норкуловна 1994 йил 24 декабрда туғилган, чап чаккасиди кичикроқ холи бор.

Ёрдмингизни дариг тутмайси, деган умид билан

Ўғиллой ҲАЙИТАЛИЕВА

СПОРТ

ФИНАЛ ЎЙИНИ МОСКВАДА ЎТКАЗИЛАДИ

2002 - 2003 йилдаги чемпионлар лигасининг финал босқичини Москвадаги «Лужники» стадионида ўтказиш мўйжалланмоқда. Бу ҳақда Европа футбол федерациясининг президенти Леннард Юханссон ва пойтахт мэри Юрий Лужков УЕФА раҳбарининг Москвага қилган сафари чоғида келишиб олганлар.

Учрашув ўтказилиши учун ҳозирча битта шарт қўйилган. У ҳам бўлса «Лужники»ни замонавийлаштириш, яъни стадион устини бутунлай бекиштириш.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бундай нуфузли учрашувларни ўтказишда Москва етарли тажрибага эга. Муҳлисларнинг ёдида бўлса, 1999 йилда «Парма» ва «Олимпиа» жамоалари ўртасидаги УЕФАнинг финал ўйини жуда юқори савидада ўтказилган эди.

2000 ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИСИ

Украина чарм тўп муҳлисларининг Андрей Шевченко 2000 йилдаги жаҳоннинг энг яхши футболчиси деган номга сазовор бўлади, деган умидлари пучга чиқди. Ўтган жума кuni ФИФА бу номга лойиқ деб топишган уч нафар футболчи — Зидан, Фигу ва Ривалдоларнинг номзодини эълон қилди.

Афтидан, яқин кунлар ичида бу шарафли номга Луиш Фигу сазовор бўлади. Бугунги кунда унинг мавжб Зидан-никидан бирмунча орқанда, Ривалдодан эса нисбатан олдинда. Бундан ташқари, унинг рақобатчилари 1998 ва 1999 йиллардаги энг яхши футболчи деб эътироф этилган.



во» илиб кетди.

Ривалдо. Луиш Фигунинг собиқ жамоадoshi. Европа майдонларида унинг кўрсатиш унга ҳам осон кечма-кечди. Чемпионлар лигасида у 6 марта рақиблар дарвозасига тўп киритиб, тўпурарлар сафида ҳамон пешқадамлик қилмоқда.

2000 йилнинг энг яхши ўйинчиси аниқлаш учун 130 та миллий терма жамоа мураббийлари ўртасида сўров ўтказилади ва голибининг номи 11 декабрь кuni эълон қилинади.

ЭРОН ФУТБОЛЧИЛАРИНИНГ ЯНА БИР РЕКОРДИ

2002 йилда ўтказиладиган жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувлари Осиё китъасида ҳам бошланди ва дастлабки ўйиндаёқ Эрон терма жамоаси футбол оламида ўзига хос иккинчи рекордини ўрнатишга муваффақ бўлди.

Муҳлисларнинг ёдида бўлса, 98 йил жаҳон чемпионати саралаш ўйинларида эронликлар Мальдив ороллари вакилларига қарши тўп суриб, учрашувда 17 марта таби рақиблари дарвозасини ишғол этган эдилар. Бу гал эса эронликлар ўз майдонларида Гуам терма жамоасини қабул қилиб, меҳмонларни 19 марта ўйинни майдон ўртасидан бошлашга мажбур этдилар.

Кuni кеча эса эронликлар Тожикистон терма жамоасига қарши майдонга тушди.

ШУНАҚА ГАПЛАР

АННАНГА МУСИҚАЧИЛАР МУКОФОТИ

Жанубий Африкадаги Сан-Сити шаҳрида китъанинг Грэмми мукофоти — Kora All Africa Music Awards соврини голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди ва мазкур тантаналардан сўнг, маросим голиблари иштирокида СПИДдан жабр чекаётганларга кўмак бериш мақсадида хайрия концерти уюштирилди.



Қизиги шундаки, мусиқа соҳасида китъанинг энг нуфузли совринини қўлга киритган голибларнинг аксарияти ҳали жаҳон сахнасига чиқиб улгурмаган. Чунончи, Африканинг энг яхши гуруҳи деб эътироф этилган Extra Musica садолари «қора китъа»дан ўзга бирон мамлакатда шу пайтгача янграмаган.

Шу нарсани айтиб ўтиш жоизки, тантананда Грэмми мукофоти санъатга алоқаси бўлмаган шахсларга ҳам топширилди. Масалан, БМТ Бош котиби Кофи Аннан ҳам «ижтимоий ҳаётдаги фалоллиги учун» мазкур мукофот билан тақдирланди.



ЭНГ УЛКАН АРЧА

Бразилиядаги унча катта бўлмаган Иту шаҳрининг бош майдонида кад ростлайдиган дунёдаги энг улкан янги йил сунъий арчаси Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олса ажабмас.

Энг юқорисиди тўрт метрлик қизил юлдуз порлаб турадиган арчанинг баландлиги 78 метрни, оғирлиги эса 150 тоннани ташкил этади. Арчани безатиш учун 6,5 мингдан ортиқ турли рангдаги чироқлар ўрнатилади.

Гиннеснинг рекордлар китобида қайд этилишча, бу борадаги рекорд натижага 1950 йилда сизтиликлар баландлиги 67 метрлик арча бунёд этиб эришган эдилар.

ЗАИФАЛАР ЧЕКИШДА ҲАМ ЗАИФ

Мустақил тадқиқот олиб борган норвегиялик олимлар чеккиш эркакларга нисбатан аёлларга кўпроқ салбий таъсир этади, деган ҳулосага келганлар.

Улар томонидан ўтказилган текширишларда 65 минг нафар чеккиш иштирок этган ва тамакининг таъсиридан аёллар кўпроқ азият чекиши маълум бўлган. Агарда эркак ва аёл бир хил микдорда сигарет чека, аёлнинг ўпкасида тамакининг зарарли қолдиқлари кўпроқ тўпланиб қолар экан.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси жамоаси Республика прокуратурасининг қонунлари муҳассамлаштириш ва ҳуқуқ тарғиботи бўлими катта прокурори А.Нурмухамедова онаси

Вероника НУРМУХАМЕДОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.